

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА ФАКУЛТЕТИ

“АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК 711.03

АВАЗОВ ШОХРУҲ НУРИДДИН ўғли
ШАХРИСАБЗ ШАХРИ ТАРИХИЙ МАРКАЗИНИ ҚАЙТА
ТИКЛАШ

Мутахассислик: 5А 340102 –“Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура
ёдгорликларини тиклаш”

Архитектура магистри
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимоя қилишга рухсат

Кафедра мудири: арх.ф.н.

Магистратура бўлими бошлиғи

Т.Ш.Маматмусаев_____

_____М.С.Саидов

“___” _____ 2015 й.

“___” _____ 2015 й.

Илмий раҳбар: проф.

Х.Ш.Пўлатов_____

“___” _____ 2015 й.

ТОШКЕНТ 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
1 - БОБ. Қашқадарё архитектурасининг шаклланиши	
1.1. Қашқадарёнинг географик характеристикаси.....	
1.2. Шаҳрисабз шаҳри тарихи.....	
1.3. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги ва ундаги меъморий обидалар.....	
1-боб хулосаси.....	
2 - БОБ. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги тизими.....	
2.1. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги ривожини	
2.2. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги маъмурий бўлинишлари.....	
2-боб хулосаси.....	
3 – БОБ. Шаҳрисабз шаҳри тарихий марказлари	
3.1. Шаҳар жамоат марказларининг ўзига хосликлари	
3.2. Маҳалла марказлари ва уларга таърифлар.....	
3-боб хулосаси	
ХУЛОСА	
Илова	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

"... ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аجدодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу-ниятларини давом эттириш биз учун бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарздир...."

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашга бўлган эътиборлари сабабли, мамлакатимизда кўпгина ёдголиклар қайта таъмирланиб, яхши ҳолатга келтирилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг архитектура ёдгорликлари ва шаҳарсозлик комплекслари қайта тикланиб, Ўзбекистон Республикасининг кўркига айланиб бормоқда.

Ушбу йўлда Олий Мажлис томонидан 30.08.2001 йилда “Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш” бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб ва шу билан бирга 04.04.2002 йилда “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик Кодекси” ишлаб чиқилди. Булар ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун-қоидаларни ўз ичига олган.

Тарихий шаҳарларни ривожлантириш муаммосини самарали хал қилишда ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Тарихий шаҳар марказларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва қайта тиклаш, меъморий ёдгорликлар билан янги қурилишларнинг ўзаро боғланиши муаммосига етарлича кенг ёндашувни талаб қилади. Бу муаммо одатдагидек, шаҳар структурасига комплекслар, мажмуалар ва алоҳида меъморий ёдгорликларни киритишга асосланади. Қашқадарё воҳаси ўзининг қадимийлиги, бой тарихи, асору атиқалари, бепоён кенгликлари, одамларининг самимий ва меҳнатсеварлиги

ҳамда очикчеҳралиги билан ажралиб туради. Бу ўлкадаги ота-боболаримизнинг ориятидай қад кўтарган қадим ёдгорликларнинг ҳар бир устуни ўтмишнинг шонли-шавкатли кунларидан гувоҳлик беради.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, «Қашқадарё воҳаси ўзининг 2700 йиллик қадимий тарихи давомида не-не буюк зотларни ўз бағрида тарбиялаб камолга етказди, уларнинг бутун жаҳон миқёсида қозонган обрў эътибори, бой мероси шоъну шавкати кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келди.

Бу қадимий юрт асрлар мобайнида тарихнинг оғир ва мураккаб синовларини, турли истилочиларнинг зулм ва зўравонлигини ҳам кўрди. Лекин иродаси машаққат ва қийинчиликларда тобланган Қашқа воҳасининг мард ва ориятли фарзандлари, ҳаёт гардиши қандай айланмасин, бошига тушган синов ва Қовларни енгди, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади, шу заминда ҳаёт барқарорлиги ва абадийлигини ўзининг буюк ва эзгу ишлари билан яққол тасдиқлади ва бугун ҳам намоён қилмоқда».

Мавзунинг долзарблиги

Маълумки, меъморий ёдгорликларнинг жамиятимизга хизмат қилишини яхши йўлга қўйиш, уларни тарихий ва бадий аҳамиятини йўқотмаган ҳолда асраш, замонавий бино ва иншоотлар билан тенг “яшашлари” учун ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда, чунки ноёб ёдгорликлар у ёқда турсин, эгасиз, одамсиз қолган ҳар қандай уйнинг ҳам тезда файзи кетиб, ночор аҳволга тушиб қолиши муқаррардир. Шунинг учун ёдгорлик обидаси фақат кўз-кўз қилинадиган бойлик бўлиб қолмасдан, у инсон билан бевосита мулоқотда бўлишини талаб қилади.

Юқоридаги муаммони ижобий ҳал қилиш учун биздан ёдгорликни бирор хизматга мослаштириш усуллари ўрганиш ва илмий асослаб беришнинг асосий масалаларини аниқлаш талаб этилади.

Ҳозирги шароитда моддий маданият, меъморчилик маданиятлари ва бошқа тарихий иншоотларга бой бўлган шаҳарлар реконструкцияга алоҳида эътибор бериш зарур. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларга қўшимча Тошкентнинг

эски шаҳар худудини реконструкцияси масаласини ҳал қилиш Ўзбекистонда сайёҳликни ривожлантириш муаммоси билан Ўзбекистоннинг дунё аҳамиятига эга моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва оммалаштириш билан ўзаро алоқада кўриб чиқилиши керак. Жумладан Шахрисабз шаҳрини реконструкция қилиш, моддий маданият ёдгорликларини сақлаш, уларни таъмирлаш, зарур ҳолларда мослаштириш ишлари бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, Ватанимизнинг қадимий меъморчилик ёдгорликлари, халқ усталари маҳоратлари, кўп миллатли маданиятнинг этнографик хусусиятлари, табиий иқлим - шароитининг турли-туманлиги, ландшафтлар бойлиги ва бошқа жиҳатлари катта қизиқиш ўйғотади ва чет - эл сайёҳлиги ривожига имкон яратади. Бой тарихий ва маданий мерос, шунингдек янги шаҳарлар, улкан қурилиш, бинолар ва иншоотларда ўз ифодасини топаётган ҳозирги давр ютуқлари республикамізда сайёҳлик саноатини халқ хўжалиги соҳалари каби ривожланиши учун битмас-туганмас имконият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Шахрисабз шаҳри тарихи Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, Б.Аҳмедов, В.Л.Вяткин, Б.Валихўжаев, Т.Н.Қори-Ниёзий, Ў.Алимов ва бошқалар томонидан ўрганилган, таҳлил этилган. Шунингдек, бу шаҳар ҳақида бир неча мақолалар ва китоблар чоп этилган. Г.А.Пугаченкова, В.А.Шишкин, В.А.Лавров, Л.И.Ремпель, М.С.Булатов, Б.Н.Засипкин, В.А.Нильсен, Л.Ю.Маньковская, Ш.Д.Асқаров, И.Е.Плетнев, П.Ш.Зоҳидов, А.С.Ўролов, М.Қ.Аҳмедов, Д.А.Нозилов, М.А.Юсупова, Х.Пўлатов, Т.Маматмусаев ва бошқа олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Лекин давлат архивларида Шахрисабз шаҳри ва обидаларининг ўлчов чизмалари, қадимшуносларнинг тадқиқот ҳисоботлари, айрим таъмир лойиҳалари ва бошқа материаллар шу вақтга келиб ҳам жамланмаган ва ўз тадқиқотчисини топмаган.

Шаҳарнинг сўнгги ўрта асрлардаги тарихий топографиясига доир қимматли маълумотлар 1942 йилда ўлкага ташриф буюрган М.Е.Массон ва Г.А

Пугаченковалар тадқиқотларида, кейинчалик Шахрисабз гузарларини махсус тадқиқ О.А. Сухарева асарларида, ҳамда ТошДУ археология кафедрасининг аъзолари тадқиқотларида ўз аксини топган. ТошДУ археология кафедрасининг Шахрисабз шаҳарида олиб борган тадқиқотлари давомида ушбу масала янада чуқурроқ ўрганилиб, кўпгина янги маълумотлар қўлга киритилди. Мавжуд маълумотлар ушбу шаҳарнинг XVIII-XIX асрлардаги қиёфасини ёритиш имконини беради.

Магистрлик диссертациясининг мақсади

Шахрисабз шаҳарсозлиги ва меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш ва хулосалар чиқариш, обидаларни архив материалларидан фойдаланган ҳолда ва натурада мукамал тадқиқ этиш.

Тадқиқот вазифалари

- Қашқадарё архитектураси ва шаҳарсозлигининг шаклланиш тарихини ўрганиш;
- Шахрисабз шаҳри меъморий мажмуаларининг шаклланиши ва уларнинг архитектуравий ечимларини таҳлил қилиш;
- Темурийлар даврида Шахрисабз шаҳри иншоотларининг тасниф тизимини ўрганиш ва ишлаб чиқиш;
- Шахрисабз шаҳарсозлиги ва ундаги меъморий обидалар архитектурасини ўрганиш;
- Шахрисабз шаҳарсозлигининг маъмурий бўлинишлари, шаҳар жамоат марказлари ва маҳаллалар архитектурасини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти

Мазкур диссертация ишининг тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри тарихий марказининг архитектураси олинган.

Тадқиқот претмети

Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри тарихий марказининг меъморий шакллар мутаносиблигини эътиборга олган ҳолда шаҳар тарихий марказидаги обидаларнинг ва тарихий маҳаллаларнинг дастлабки кўринишларини график тиклаш.

Тадқиқот методлари

Адабиёт манбаларини умумлаштириш ва таҳлил қилишга, ўрганишга асосланган. Муаллиф томонидан китобий манбалар бирлаштирилгандан сўнг Шахрисабз шаҳрининг марказини чуқур ўрганиш, фоторасмга туширишлар, шу соҳага оид мутахассислар билан сўровлар ўтказиш ва лойиҳа институтларидан чизмалар олиб уларни таҳлил қилишга асосланган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Шахрисабз шаҳри шаҳарсозлиги юксак даражада ривожланганлиги ва шаҳар тузилишида майдонларнинг аҳамияти;
- Шахрисабз шаҳарсозлиги ва ундаги меъморий обидалар;
- Шахрисабз шаҳарсозлигидаги маъмурий бўлинишлар;
- Жамоат марказлари ва маҳалла марказлари
- Шахрисабз шаҳри жамоат марказларига график таклифлар ишлаб чиқиш.

1 – БОБ. ҚАШҚАДАРЁ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Қашқадарёнинг географик характеристикаси

Қашқадарё мамлакатимизнинг энг бой тарихга, ўзига хос маданиятига, серҳосил заминга эга бўлган қадимий ўлкалардан биридир. Зарафшон ва Амударё оралиғида жойлашган, қадимда Жанубий Сўғд, Жанубий Турон дея номланган, деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай иқлим ва сув шароитига, ўзига хос гўзал табиатга эга бўлган бу воҳа қадимдаёқ кўпларнинг эътиборини жалб этиб келган. Шу боисдан маълумки, Искандар Зулқарнайн босқини, араблар истилоси, муғуллар юриши, аҳмонийлар ҳукмронлигини дастлаб мана шу воҳа бошидан кечирган.

Бу ерда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик маданиятининг бошланиши ҳақида жуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ана шундай илмий изланишлар натижасида қадим замонлардаёқ Қашқадарёда кишилар ўтроқ ҳолда манзиллар, қишлоқлар, қўрғонларда ҳаёт кечирганлиги маълум бўлди.

П. Зимин, Р. Коненко, В. Бартольд, А. Якубовский, Б. Литвинов, Я. Ғуломов, М. Массон, И. Мўминов, Г. Пугаченкова, Т. Тўхтаметов, Л. Манковская, Т. Аъзамхўжаев ва бошқа олимлар олиб борган изланишлар натижасида Қашқадарё ҳудудида эрамиздан олдинги IV – I минг йилликларда ибтидоий кишилар яшаган аҳоли манзиллари, ўша давр одамларининг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, касб - корларига тааллуқли ашёлар топилиб, қадимги ҳаётнинг яхлит бир манзараси намоён бўлди.

Новтак, Кеш, Искифагн, Субаҳ, Базда, Қаландартепа, Қамайтепа, Олтинтепа, Доғайтепа, Гунгонтёпа, Култепа каби қадимий шаҳар, қўрғон ва қишлоқлар ўрнидан қазиб олинган топилмалар Қашқадарёда ўша даврдаёқ чорвачилик, деҳқончилик билан бирга кулолчилик, ҳунармандчилик, темирга ишлов бериш ва бошқа касблар анча тараққий этганлигидан гувоҳлик беради.

Чорвачилик, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, кулолчилик ва бошқа ҳунармандчилик турлари ривожланган манзилгоҳларда аста - секин шаҳар ва қалъалар, қўрғонлар вужудга келган. Шуллиуктепа, Кеш, Новтак, Насаф, Косон, Ғузор, Субаҳ, Кожар, Базда, Офурон каби шаҳар ва қишлоқларда маданият, меъморчилик тараққий этган. Мадраса, работ, масжид ва карвонсаройлар қад ростлаган. Шуллиуктепа, Кеш, Новтак ўрнида жойлашган манзилгоҳлар Афросиёб, Марв ва бошқа ўша даврдаги ривожланган шаҳарлар майдонига тенг бўлган (10).

Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд) Марказий Осиёнинг қадимий тарихий - географик ҳудудларидан биридир. Воҳанинг бой тарихи кўплаб тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Қашқадарё вилояти кўп сонли археологик ва меъморчилик ёдгорликлари, халқ ҳунармандчилиги марказлари кенг тарқалган ўлкадир. Воҳанинг қадимий тарихи ҳам муҳим воқеаларга бой. Вилоят қадимги савдо йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу тўғридаги маълумотлар ёзма манбаларда ҳам сақланган.

Милоддан аввалги IV асрда Қашқадарё ҳудуди билан учта вилоят-Наутака, Ксениппа ва Габаза боғланади. Бу ҳақда юнон тарихшуноси Арриан ва римлик Курций Руф маълумот беришди. Юнон муаллифларининг асарлари биз кўриб чиқаётган ўлканинг тарихий географияси долзарб муаммоларини ҳал қилишда муҳим асос бўлади. Манбалар шу нуқтаи назардан ҳозирги тарихий адабиётда керакли даражада ёритилган. Ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан солиштириб замонавий географик хариталарда халқларнинг ҳудудий жойлашуви чегараларини, қадимги шаҳарларни, дарёлардан кечиб ўтиш жойларини, қадимги йўлларини, вилоятларни ва тарихий районларни топиш мумкин.

Ўзи туғилиб ўсган юртга ниҳоятда катта муҳаббат билан қараган Амир Темур Шаҳрисабзда барпо қилган Оқсарой ва буюк Соҳибқирон томонидан бошланиб, набираси Мирзо Улуғбек ниҳоясига етказган мухташам иморатлар, ўша даврда ўтказилган осмонўпар чинорлар ҳамон яшил шаҳар хуснига хусн қўшиб турибди.

Бир қўлида қилич, бир қўлида қалам тутган ҳолда тождорлик қилган Мирзо Улуғбек ўз тасарруфида бўлган Қашқадарёга эътибор билан қаради. Айниқса, Соҳибқирон бобосининг киндик қони томган Шаҳрисабзда катта ободончилик ишларини амалга оширди.

Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида воҳа гуллаб-яшнаган, мухташам иморатлар, катта ободончилик ишлари олиб борилган. Аммо кейинчалик олиб борилган қонли урушлар ва босқинчилик юришлари ўлканинг бир текисда ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари охири ва 70-йиллари бошида Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олинди. Асримиз бошида, бугунги кунда парчаланиб кетган советлар давлатининг дастлабки йилларида Қашқадарё вилоят деб эълон қилинди. 1924 - йилда Қашқадарё вилояти ташкил топди.

Бу ерда жуда катта қазилма бойликлар захираларининг топилиши йирик маҳаллий саноат корхоналарини вужудга келтирди. Газ, нефт, олтингугурт, пахта, пилла ва бошқа маҳсулотларни бирламчи саноат хом ашёсига айлантириб берадиган корхоналар бир мунча ривожланди. Халқ хўжалиги тармоқлари техника воситалари билан таъминланди.

Бир замонлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган даштнинг асрий қиёфаси бутунлай ўзгартириб юборилди. Юз йиллар давомида инсон қадами етмаган чўлу биёбон, қум барханлари, қақроқ тақирлар ўрнида минглаб гектар унумдор экин майдонлари, боғ - роғлар замонавий турар жойлар, маданий - маиший объектлар барпо этилди. Чўл ўз ўрнини ям - яшил гуллаб яшнаётган воҳага бўшатиб берди. Тарихда сардобаю, қўлда қазилган қудуқ сувидан ичиб, осмондан ёмғир тилаган ота - боболаримизнинг орзуси ўшалди.

Чўл ўрнида қисқа вақт ичида Дўстлик, Таллимаржон, Нишон, Миришкор каби шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкалар, Қарши - Амударё автомобил йўли, Дўстлик – Таллимаржон ичимлик сув қувури, Қарши қурилиш индустрияси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, “Шўртангаз” газ қонлари бошқармаси,

Қарши нефт-газ қазиб чиқариш бирлашмаси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи каби гигант корхоналар, йирик темир-бетон буюмлари ва тажриба-механика заводлари ва бошқа объектлар вужудга келтирилди.

Қашқадарё Ўзбекистон мамлакатининг йирик текисликлар, чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларига, ўзига хос табиий ва иқлим шароитига эга бўлган вилоятлардан биридир. У шимолдан Самарқанд, шимолий - ғарбдан Бухоро, шарқ ва жанубий - шарқдан Сурхондарё вилоятлари билан чегарадош. Шимолий-шарқ қисмидан Тожикистон, ғарбий қисмидан эса Туркменистон мамлакатлари чегаралари ўтади. Умумий сарҳадларининг узунлиги 795 километрни ташкил этиб, шунинг 400 километри тоғ тизмалари орқали ўтади. Унинг жами ҳудуди 28,4 минг квадрат километр бўлиб, Республика ер майдонининг 6,3 фоизини (%) ташкил этади ёки у жойлашган ўрни жиҳатидан Албания, Нидерландия, Белгия, Арманистон мамлакатлари билан тенгдир. Қашқадарё аҳолиси ҳозирги кунда 2 миллиондан ортиқ. Вилоятнинг иқлими деҳқончилик ва чорвачилик учун жуда қулай. Йиллик ўртача ҳарорат +15 даража, январ ойи ҳарорати ўртача +2 даражани ташкил этади. Ёғингарчилик миқдори йилига ўртача 187–285 мм, тоғ ва тоғ олди туманларида 500 мм дан иборат (6).

Вилоятда 14 та туман, 2 та шаҳар, 10 та туманга бўйсунувчи шаҳар, 8 та шаҳар типдаги посёлка 120 қишлоқ фуқоро йиғинлари мавжуд. Вилоят маркази – Қарши шаҳрида бугунги кунда 250 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қарши ҳудуди ишлаб чиқариш қувватлари, ривожланиш суръатлари жиҳатидан мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари қаторида туради. Бу ерда гўшт, ун, сут комбинатлари, ёғ - экстракция, пахта заводлари, йирик қурилиш индустрияси корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари ишлаб турибди. Шаҳар ўзининг таълим-тарбия масканларига, тиббиёт, спорт - соғломлаштириш муассасаларига эга. Қаршида XV-XVI асрга оид тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Қашқадарё воҳаси тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўтмиш тарихимизни ўрганиш, бу йўлдаги изланиш ва ҳаракатлар давом этмоқда. Хусусан, Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: "Бугун янги ўзбек давлати

барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аждодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир"(11).

Вилоятдаги иккинчи йирик шаҳар Шаҳрисабздир. Шаҳрисабз Амир Темур ватани, тарихий “Буюк Ипак йўли” ўтган шаҳар сифатида ҳам жаҳонга машҳурдир.


1935 йилдан 1958 йилга қадар жаҳон аҳамиятига молик меъморий обидаларга эга бўлган минг йилликларга ворис шаҳар расман шаҳар деб эмас, балки шаҳар шаклидаги посёлка, туман маркази сифатида номланиб келинди. Шаҳрисабзга бундай мақом берилиши демографик ва иқтисодий сабаблар билангина боғлиқ бўлмасдан, сиёсий омиллар билан ҳам боғлиқ эди. Амир Темур фаолиятига субъектив, танқидий муносабат ҳукмронлик қилган йилларда Шаҳрисабз ва унинг тарихий маданий мероси атайлаб кенг доирада тарғиб қилинмади. Айрим олимлар, маҳаллий мактаб ўқитувчилари ҳамда кўплаб оддий инсонларнинг саъй - ҳаракатлари туфайлигина шаҳар тарихини ўрганиш ва унинг меъморий ёдгорликларини сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлар бутунлай тўхтаб қолмади.

XVI-XIX асрларда Шаҳрисабз ва Қарши Қашқадарё воҳасининг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири эди. Бу шаҳарларнинг сўнги ўрта асрлардаги тарихий топографиясига доир қимматли маълумотлар 1942 йилда ўлкага ташриф буюрган М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченковалар тадқиқотларида, кейинчалик Шаҳрисабз гузарларини махсус тадқиқ этган О.А.Сухарева асрларида ҳамда ТошДУ археология кафедраси аъзолари тадқиқотларида ўз аксини топган. Мавжуд маълумотлар ушбу шаҳарларнинг XVI-XIX асрлардаги қиёфасини ёритиш имконини беради.

Мазкур даврда воҳа меъморлиги ривожига, халқ меъморлиги даражасига баҳо берилар экан, воҳа меъморларининг турли иншоотлар ва иморатлар қуришда

маҳаллий табиий хусусиятлардан келиб чиққанлиги ва қурилишда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Мавжуд ижтимоий - сиёсий вазият воҳада мудофаа меъморлиги ривожланишига олиб келди. Хусусан, юқорида кўриб ўтганимиздек, катта ҳудудларни мудофаа қилишга мослаштирилган ҳимоя деворлари, мустаҳкамланган кўрғонлар, тўпхоналар, кузатув жойлари қурилиши шундан далолат беради. Уларни ўрганиш нафақат воҳа мудофаа тизими, балки меъморлигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган мудофаа меъморлигининг ривожланиб бориш жараёнини ҳам таҳлил қилиш имконини беради. Шу туфайли уларнинг баъзи бирларида археологик тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, бу турдаги иншоотларни қуришда, аввало уларнинг жойлашган ўрнига катта эътибор берилган (12).



Қашиқадарё вилоятининг харитаси

Бугунги кунда Шаҳрисабз мамлакатимизнинг саноати, маданияти ривожланган шаҳарлардан биридир. Шаҳрисабзда буюк Соҳибқирон Амир Темур ва унинг набираси Мирзо Улуғбек томонидан курдирилган гўзал меъморчилик обидалари жаҳон сайёҳларининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бундан ташқари Шаҳрисабз қадимий хунармандчилик марказларидан бири ҳамдир. Бу ерда тикилган зардўзи дўппилар Канада, Туркия, Япония мамлакатларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда олтин медал билан тақдирланган. Юксак дид билан тайёрланган кулолчилик, мисгарлик буюмлари кўплаб кўргазмалар совриндоридир.

Китоб темир йўл стансияси Тошкентдан бошланувчи темир йўлнинг охири нуқтаси ҳисобланади. Бу темир йўл қатор тоғ қишлоқларини Қарши ва Тошкент билан боғлаб туради. Худди шу Шаҳрисабз – Китоб туманлари оралиғидаги пастликда Ер шари ҳаракатини мунтазан кузатиб турувчи жаҳондаги 5 та кенглик станциясидан бири Улуғбек кенглик стансияси жойлашган.

Вилоят халқ хўжалигининг асосий тармоғини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Қашқадарё заминида бир мавсумда ярим миллион тоннадан ортиқ пахта, шунча миқдорда дон, 25 минг центнер қимматбаҳо пилла, 24 минг центнер жун ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Қашқадарё Республиканинг асосий ёнилғи-энергетика базасини ташкил этади. Ҳозир бу ерда ишлаб турган "Шўртангаз" газ конлари бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва "Қаршинефть" нефть-газ ишлаб чиқариш бирлашмаларида Республика маҳсулотининг асосий қисми тайёрланади.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси ва биринчи Президенти Ислом Каримов 1986 – 1989 йилларда Қашқадарёга раҳбарлик қилган даврда вилоят иқтисодий-ижтимоий, маданий жиҳатдан ривожланди. Халқ хўжалиги тармоқларида юксалиш юз берди. Воҳани ривожлантиришнинг аниқ ва пухта ўйланган режалари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Қашқадарёда Президент белгилаб берган 5 тамойил асосида иқтисодий ислохотлар катта куч ғайрат билан амалга оширилмоқда.

1.2. Шахрисабз шаҳри тарихи

Сирдарё ва Амударё оралиғида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида қадимги сўғд давлати ва ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланади. Қашқадарёда милoddан аввалги биринчи асрнинг бошидан иккита асосий воҳа – Қарши ва Шахрисабз воҳалари шаклланди. Александр Македонский билан бирга юртимизга келган юнон тарихчилари милoddнинг IV асри охирида Қашқадарё водийсидаги 2 та тарихий маданий вилоят – Наутака ва Никшапани эслаб ўтишади.

Шахрисабз - ўрта асрларда Кеш деб номланган қадимги Наутака шаҳри. "Дилкаш", "Қуббатул илм вал-адаб" ташбеҳлари билан эъзозланган бу шаҳар муайян даврларда тақдир тақозоси ила жаҳон тарихидаги баъзан шонли, баъзида эса фожиаи муҳим воқеалар марказида бўлиб келди. Бу ерда, Наутака қишлоқларидан бирида Бактриянинг толесиз сатрапи, ўзига-ўзи шоҳ унвонини берган Бесс (Артаксеркс) Македониялик Александрнинг саркардаси Птолемей томонидан аср олиниб, сўнг қатл қилинганди. Бу ҳол Аҳмонийларнинг улкан салтанати якун топганидан нишона эди.

Македониялик Александр мил.авв.328-327 йиллар кишини ўтказиш учун Наутака - Кешни танлади. Оксиарт қоясини ишғол қилишга шу ердан юриш қилди ва мазкур бактр зодагонининг оиласи, шу жумладан кейин ўзининг рафиқаси бўлган гўзал Роксана асир олинди. Шу никоҳдан туғилган ўғил - Александр IV македонияликлар сулоласининг сўнги подшоси бўлди. Эҳтимол, шу ерда Наутаканинг ялдо тунларида Александрнинг хаёлига ўз саркардаларини маҳаллий сўғд ҳамда бактр аёлларига уйлантириш ва бу билан Шарқ ила Ғарбни яқинлаштириш ғоясини амалга ошириш фикри келгандир. Бу воқеадан сўнг минг йил ўтди. Кўпроқ "Муқанна" - "ниқобдор" номи билан машҳур бўлган, 776-783 йиллардаги арабларга қарши қудратли ҳаракат йўлбошчиси Ҳошим ибн Ҳаким Кеш яқинидаги Санам тоғ қалъасини сўнги маскан қилиб, шу ерда шаҳодат топди.

Бироқ, агар 1336 йил 9 апрелда Шахрисабз шаҳри яқинидаги Хўжа илғор қишлоғида барлос уруғидан бўлган аслзода Тарағай оиласида бўлғуси буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур туғилмаганида, юқорида баён этилган

ҳодисалар қанчалик муҳим бўлмасин, бу шаҳар дунёга унчалик машҳур бўлмасди. Тақдир бу шахсни қаерга улоқтирмасин, барибир, Шаҳрисабз доимо унинг учун киндик қони тўкилган шаҳар, болалиги ва ёшлиги ўтган диёр, шахс сифатида шаклланган жой, падари бузруквори Тарағай ва пири муршиди Шамсиддин Кулол, тўнғич фарзандлари Жаҳонгир Мирзо ва Умар шайх Мирзо мангу маскан топган муқаддас замин бўлиб қолди. Шаҳрисабз Амир Темур улкан давлатининг иккинчи пойтахти бўлиб, у бу шаҳар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилган, ободонлаштирган ва зеб берган. Темурийзода, Бобурийлар сулоласининг асосчиси беназир Мирзо Бобурнинг ёзишича, Амир Темур Шаҳрисабзни "шаҳар ва пойтахт қилурға кўп эҳтимомлар қилди". Ўша пайтда тенги бўлмаган ҳашаматли Оқсарой қасрининг бунёд этилиши бунинг яққол далилидир. Испаниянинг Амир Темур саройидаги элчиси, Шаҳрисабз тарихида ўз изини қолдирган кўзга кўринган шахс бўлмиш Руи Гонсалес де Клавихо ўз асарида бу шаҳарга ҳайрат тўла саҳифаларини бағишлаган.

Шаҳрисабз шаҳрининг илк бор девор билан ўраб, мустаҳкамланиши XIV асрга оид бўлиб, Амир Темур фаолияти билан боғлиқдир.

XVIII асрнинг 40-чи йилларида шаҳар чуқур инқирозий ҳолатни бошдан кечиради. Кенагаслардан бўлган беклар, айниқса Назарбек даврида шаҳар янгидан қад ростлади. Унинг даврида шаҳарнинг жанбий томонида Амир Темур даври деворидан 450 метр ичкарида янги девор қад кўтаради. XIV-XV асрлардаги шаҳарга нисбатан анча қисқарган бўлса-да, шаҳар ҳаёти янгидан тикланади. Шаҳар деворининг шарқий, шимолий, ғарбий деворлари таъмирланади.

«Шаҳрисабз» атамасининг келиб чиқиши тўғрисида турлича фикрлар мавжудлигига қарамадан, купчилик томонидан уни «ям-яшил шаҳар» деб талқин қилиш кўпроқ қабул қилинган. Ўрганилаётган даврга оид европалик муаллифлар асарларида шаҳар номини турлича тарзда ишлатилганлигини кўришимиз мумкин.

Шаҳрисабзни ободонлаштириш ва бу ерда маъмурий иншоотлар куриш анъанасини Амир Темурнинг набираси, Темурийзодалар орасида бобосининг хотирасига энг кўп эҳтиром билдирган Мирзо Улуғбек давом эттирди.

Шаҳрисабзда XX асрнинг 80-йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар масаланинг бошқача манзарасини берди. Шаҳрисабзнинг кўп жойида илк ўрта асрлар қатламлари қайд этилган. Бу жойлар: Шаҳрисабзнинг қалъа девори доирасидаги, вайрон бўлганига қарамай, узунлиги 200 метрга етадиган, 2,5 метрли маданий қатлами бўлган катта тепа жойлашган жануби-ғарбий бурчаги, Чорсу атрофи, яъни шаҳар маркази, Оксаройнинг шимоли, яъни шаҳарнинг жанубдан шимолгача бўлган 1,5 км узунликдаги қисмидир (14). Шаҳрисабз чекасида бир канча тепа, шу жумладан, Баланд тепа (Зиндон тепа), Қалқон тепа ва бошқалар жойлашган. Буларнинг бари ўз майдонига кўра, Бейшида келтирилган Кеш пойтахти майдонига тўғри келувчи мураккаб шаҳар тузилишига ўхшаш жуда катта манзилгоҳ тасвирини беради.

Амир Темур қурдирган девордан олдин ҳам Кеш (Шаҳрисабз)нинг девори бўлгани аниқ. Уни илк ўрта асрларга оид, дейиш мумкин. Шаҳрисабзнинг бутун майдонида ҳамда уни ўраб турган девор атрофида ва ундан ташқарида IX-X асрлар қатлами қайд этилган. Араб-форс манбаларидаги Кеш тавсифида эслатиб ўтилган барча таркибий бирликлар: кўҳандиз, ички ва ташқи мадина, ички ва ташқи рабод ушбу майдонга тўла тўқис жойлашиши мумкин. Кеш VI-VII асрлардаёқ Шаҳрисабз ўрнида бўлган ва кейинги асрларда ҳам шу ерда ривожланган. Кеш XIV асрга келиб афтидан, Шаҳрисабз деб атала бошлаган ва ҳозир ҳам шу ном билан юритилади.

Шаҳрисабз ("Яшил шаҳар") топоними илк бор 1351йилда чиғатой хон Бўёнқулихон номидан зарб этилган тангаларда учрайди. 1352 йилда шу хон номидан зарб қилинган тангаларда Кеш номи ҳам бор (15). Қадри бу қадар баланд танга зарб қилинишининг ўзи Шаҳрисабз XIV аср ўрталаридаёқ нисбатан катта шаҳар бўлганидан далолат беради. Шаҳар бир вақтнинг ўзида кўҳна ва янги номи билан юритилиши жиҳатидан Шарафуддин Али Яздийнинг (XV аср биринчи ярми) "Шаҳрисабз, уни туркийлар Кеш деб атайдилар" деган сўзлари эътиборга

лойиқ (16). Лекин XIV асрга қадар шаҳар, эҳтимол, битта ном билан Кеш деб аталган бўлса керак.

Ўрта аср ёзма манбаларида Кеш деб аталган вилоят ҳудуди Зарафшон тизма тоғининг жанубий ён бағирларидан бошланиб, ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Ўрадарё воҳаси ерларини ўз ичига олганлиги қайд этилган. Унинг марказий шаҳри - Шаҳрисабз Китоб воҳасида ривож топган. Вилоят номининг келиб чиқиши анча қадимги даврларга, мил. авв. IX-VIII асрларга бориб тақалади, "Авесто"да келтирилган Гава Сўғда ("Сўғд макони") тушунчаси Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмидаги тоғолди ва тоғли ҳудудларга тегишли бўлган. Гава Сўғда атамасини "қудратли сўғд", "қудратли ўлка" сифатида талкин қилиш мумкин. "Авесто" маълумотларига кўра, зардуштийларнинг улуғ ва донишманд худоси Ахурамазда яратган мамлакатлар рўйхатида Гава Сўғда иккинчи ўринда тилга олинган.

Ўрганилган археологик ва ёзма манбалар, Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги вилоят ва унинг шаҳар маркази турли даврларда турлича номланган деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Мил. авв. IX-VIII асрларда вилоятнинг номи Гава Сўғда эди, мил.авв. VII-IV асрларда-Наутака, VI-XV асрларда Кеш бўлган. Вилоятнинг маркази мил. авв. VIII асрда Узунқир ўрнида шакллана бошлаб, III асргача ривожланган. Шаҳарнинг кейинги даврлар тарихи Китоб-Шаҳрисабз ҳудуди билан боғлиқ бўлган. Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз Марв ҳақидаги ривоят - афсоналарда, Шаҳрисабз-Китоб воҳасининг илк шаҳар маркази энг қадимги ҳисобланади (17).

Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари 1220 йилда Мовароуннаҳр ҳудудига бостириб келди ва бу ер жуда қисқа вақт ичида забт этилди. Чингизхон ҳаётлигидаёқ улкан давлатини ўғилларига тақсимлаб берганди. Мовароуннаҳр Чиғатойга (1227-1242 йилларда ҳукм сурган) улус қилиб берилди. Мўғуллар Мовароуннаҳрни истило этгач, ер тақсимооти бўйича ўз тизимларини ўрнатишди. Муайян ҳудудлар турли қабилаларга берилди. Чунончи, жалойирларга Хўжанд, қавчинларга-Амударёнинг юқори оқими, орлотларга - Сурхондарё ҳавзаси тегди.

Барлослар Шарқий Қашқадарёга ўрнашди. Бу ер уларнинг ота мерос мулки бўлиб қолди.

Келажакда буюк давлат арбоби ҳамда беназир саркарда бўлиб етишган Амир Темури 1336 йил 9 апрелда Шахрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилди. Отаси Тарағай барлос уруғининг зодагон вақлларида бири бўлганди. Кўчманчи ҳаёт кечирган бу уруғ аста - секин ўтроқлашиб борди ва Кеш (Шахрисабз) шаҳрини макон тутди. Бу ерда 1360 йилда Темурнинг отаси Тарағай боболари ва бошқа қариндошлари ёнига дафн этилган. Темур тахтга ўтиргач, отасининг хокини унинг ва кейинчалик ўзининг ҳам пири муршиди бўлган, 1370 йилда вафот этган Шайх Шамсуддин Кулол макбарасига кўчирди. Темурнинг ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх, шунингдек, ўғай онаси ҳам Шахрисабзда дафн этилганлар.

Темурнинг сиёсий фаолияти 1360 йилдан, Муғулистон хони Туғлуқ Темур уни Кеш вилояти ҳокими этиб тайинлади. 1364 йилда Балх ҳокими Амир Ҳусайн ва Темур пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрни Мўғилистон хонидан жанг билан тортиб олишга муваффақ бўлишди. Бироқ 1365 йилда улар Чирчиқ бўйида бўлиб ўтган жангда мўғул қўшинларидан мағлубиятга учрадилар ва Балх томон чекиндилар. Самарқандда ҳокимият мўғул қўшинлари ҳужумини дафъ эта олган халқ ҳаракати раҳнамолари қўлига ўтди. Самарқандга қайтгач, Амир Ҳусайн билан Темур ўртасидаги муносабат кескинлашди. Ҳусайн ўзини мустақил ҳис этиш учун, қароргоҳини ва, айниқса, хазинани Самарқанддан мустаҳкам Балхга кўчириш ҳаракатига тушди. Чигатойлар бунга қарши кўтарилдилар, Темур ҳам уларга қўшилди. Натижада 1370 йилда Амир Ҳусайн мағлуб этилиб, қатл қилинди. Мовароуннаҳрда ҳокимият тўлиғича Темур қўлига ўтди. У Самарқандни пойтахт қилиб танлади, атрофини девор билан ўради ва хазинани Самарқандда бунёд этилган қалъага жойлади. Чингизхон авлоди бўлмагани учун Темур хон унвонини қабул қилмади, ўзини амир деб эълон қилди ва Амир Ҳусайннинг бевасига-чингизий Қозонхоннинг қизига уйланиб, "кўрагон" (хон куёви) номини олди.

Амир Темурнинг зафарли юришлари натижасида давлат ҳудуди кенгайди. У бир неча бор Хоразмга қарши, шунингдек Эрон, Кавказ, Туркия, Ҳиндистонга қарши юриш қилди, Олтин Ўрдани тор-мор қилиб, жаҳон савдо йўлини Мовароуннаҳрдан ўтказиш учун Буюк Ипак йўлининг шимолий шаҳобчасини тугатди. Амир Темур бу юришлардан қайтишда шоирлар, олимлар, хунармандлар, бинокорлар ва меъморларни кўчириб келтирарди. Улардан Марказий Осиё вилоятларини ободонлаштиришда фойдаланилди. Амир Темур фармони билан бутун мамлакатда масжидлар, мадрасалар, мақбаралар мажмуотлари қурилди, улкан суғориш иншоотлари ва йўллар барпо этилди (18). Амир Темур ва Темурийлар даврида Ўрта Осиё ғоят раванқ топди. Самарқанд ҳамда туғилиб ўсган шаҳри - Кеш вилоятининг маркази - Шаҳрисабзни ғоят гўзал иморатлар билан безаш имконини яратди.

Шаҳрисабз давлатнинг иккинчи пойтахтига, жанговар барлосларнинг ёзги қароргоҳига айланган. Ҳофизи Абру гувоҳлик беришича, Соҳибқирон ҳукмронлик қилган даврда шаҳар ғоят гуллаб яшнаган. Унинг ворислари, айниқса, Улуғбек бобоси бошлаган бунёдкорлик фаолиятини давом эттириб, бу шаҳарни обод қилган. Испания элчиси Клавихо ўз кундаликларида бу шаҳарда кўплаб маҳобатли иморатлар ва масжидлар қурилганлигини кўрсатган (19). Амир саройидаги хитойлик элчилар ҳам бу ерда ажойиб қасрлар борлигини айтиб ўтишган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Шаҳрисабзда бунёд этилган кўплаб бинолар бизгача етиб келмаган. Бироқ XVII аср охирида Бадеҳо Малехо "Кешда чиғатой султонларнинг кўплаб иморатлари бор"лигини таъкидлаганди. Ушбу биноларнинг қоплама материали XVIII аср иморатларида пойдевор тагига ташланадиган материал-қурилиш чиқиндиси сифатида кўпроқ учрайди. Бироқ бу ерда Амир Темур бунёд эттирган Оқсарой, Доруссиёдат меъморий мажмуоти ва қурилиш ишлари Амир Темур даврида бошланиб, Улуғбек даврида тугалланган Доруттиловат мақбаралар мажмуаси шаҳарнинг асосий ёдгорликлари, унинг ифтихори ва шон шуҳрати ҳисобланади (20).

Шаҳрисабзда Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган барча иморатлар Шаҳрисабзнинг умумий режасига боғлиқ равишда жойлашган.

Шаҳрисабз ҳисорининг умумий тарҳи тўрт дарвозасидан бошланиб, шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга томон бир-бирини хочсимон кесиб ўтган ҳамда маказда бир-бири билан туташган кўчалари билан белгиланган. Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида бўлганидек, кўчалар туташган марказда асосий бозорнинг гумбазли растаси жойлашган бўлиши эҳтимол. Шаҳар бозорлари асосий кўчалар ёқаси бўйлаб дарвозаларга қадар давом этган бўлиши мумкин (21).

Шаҳарнинг тўртта дарвозаси бўлган. Шимолий - Арк дарвозаси, шарқий - Кунчиқар дарвоза, ғарбий - Кушхона дарвоза ва жанубий - Термиз дарвоза.

Шаҳрисабз шаҳри XIV асрда Амир Темур даврида девор билан ўраб олинди, мустаҳкамланган. Амир Темур ва Темурийлар даврида мусулмон Шарқининг йирик ва обод шаҳрига айланган Шаҳрисабзга Шайбонийлар даврида (XVI аср) ҳам Қашқадарё воҳасининг бош шаҳри сифатида қаралди, у кенг майдонга, аниқ тузилишга, баланд девор ва буржлардан иборат мустаҳкам муҳофаа тизимига эга эди. Лекин XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро хонлигидаги кескин сиёсий вазият ва ўзаро феодал урушлар натижасида Шаҳрисабз хароб аҳволга келиб қолди (22). Бу инқироз даври XVIII асрнинг ўрталаригача давом этди. Кенагаслардан бўлган беклар, айниқса, Назарбек даврида шаҳар янгидан қад ростлади. Унинг даврида шаҳарнинг жанубий томонида, Амир Темур даври деворидан 450 метр ичкарида янги девор қад кўтариб, шаҳар XIV-XV асрлардагига нисбатан анча қисқарган бўлсада, унда ҳаёт янгидан тикланди. Шаҳар деворининг шарқий, шимолий, ғарбий деворлари таъмирланди. Шу даврда Шаҳрисабз ўз тузилишига кўра уч қисмдан - бек Ўрдаси, Қўрғон, яъни бевосита шаҳар ва шаҳар билан таркибий жиҳатдан боғланган шаҳар атрофи қисмлардан ташкил топган эди. Бек Қўрғони шаҳарнинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган. Халқ орасида у Шаҳрисабз Афросиёби номи билан машҳур бўлган. Қўрғон иккита дарвозага эга бўлиб, жанубий томонидаги - Кўк даарвоза, шарқий томонидаги иккинчи дарвоза эса Тўпхона дарвоза деб аталган. Қўрғон олдида шаҳарнинг асосий майдони Регистон жойлашган. Шаҳар Қўрғони тўғри бурчакли тузилишда бўлиб, шимолдан жанубга қараб чўзилган ва гузарларга бўлинган. Улар тўғрисида дастлабки маълумотлар XIX аср рус муаллифлари асарларида

учрайди. Хусусан, А.А.Кун Шаҳрисабзнинг 14 та гузарга бўлиниши тўғрисида ёзади. Унинг бу борадаги маълумотларига кейинги даврларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир қатор аниқликлар киритилди. Жумладан, 1948 йилда Шаҳрисабзда этнографик тадқиқотлар олиб борган О.А.Сухарева Шаҳрисабз 14та эмас, 52 та гузарга бўлинганлигини аниқлади. Шаҳрисабз гузарлари, уларнинг аҳолиси таркиби, ҳунармандлиги каби масалалар ҳам ушбу олима томонидан анча батафсил ёритилган (23). Шаҳрисабзда бир нечта бозор мавжуд бўлиб, асосийси - шаҳар бозори бек Ўрдасининг жанубида жойлашган. Бу жойда ҳозирги пайтда ҳам савдо иншооти - Чорсу сақланиб қолган. Мутахассислар фикрича, бу бино XV аср охири - XVI аср бошларида барпо этилган (24). Шаҳар аҳолисининг асосий қисми савдо - сотиқ ва ҳунармандлик билан шуғулланган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XIX асрда шаҳарда савдо сотиқ билан шуғуланувчи яхудий ва ҳиндлар, арманлар ҳам яшаган.

XVIII-XIX асрларда Шаҳрисабз пахса девор билан ўралган бўлиб, 6 та дарвозага:

– Шимолий дарвоза - Китоб дарвоза ёки Арк дарвоза деб аталади. Биринчи ном ушбу дарвоза орқали ўтган Китобга олиб борувчи йўл билан боғлиқ бўлса, иккинчи ном дарвозанинг Шаҳрисабз беги Қўрғони ёнида жойлашганлиги билан боғлиқ;

– Шарқий дарвоза - Кунчиқар дарвоза;

– Ғарбий дарвоза - Қушхона ёки Чироқчи дарвоза. Ушбу дарвоза орқали Чироқчига олиб борувчи йўл ўтган;

– Жанубий дарвоза - Чармгар ёки Яккабоғ дарвозаларга эга бўлган. Дарвозанинг яқинида Катта Чармгар ёки Кичкина Чармгар гузарлари жойлашган. Дарвозанинг биринчи номи гузарлар билан, иккинчи номи дарвоза орқали ўтган Яккабоғга борувчи йўл билан боғлиқ.

Сўнгги ўрта асрларда шаҳарда 6 та мадраса фаолият кўрсатган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги бизнинг давримизгача етиб келмаган. Бу даврда Шаҳрисабзда 7 та карвонсарой ҳам мавжуд эди. Сақланиб қолганлари ичида XVI асрда барпо этилган Коба карвонсаройи ўзининг йириклиги ва ҳашамати билан

ажралиб туради. Бу ерда ҳозирги пайтда шаҳар ўлкашунослик музейи жойлашган. Аҳоли шаҳардаги иккита ҳаммомнинг вужудга келиш даврини бекликлар даври, яъни XVIII-XIX асрлар билан боғлайди. Лекин тадқиқотчиларнинг фикрича, улар анча илгари, хатто Самарқанд ва Бухородаги ҳаммомлардан ҳам олдин бунёд қилинган. Шаҳрисабз ҳаммомлари бошқа жойларда ҳам ўзининг "даволовчи" хусусиятлари билан машҳур бўлиб, одамлар турли жойлардан бу ерга даво истаб келишган.

Шаҳар ташқарисида, унинг шимолий томонида Номозгоҳ масжиди мавжуд бўлиб, ҳозир сақланиб қолган эмас. Шунингдек, ҳар-бир гузар ўз масжидига эга бўлган. Тадқиқ қилинаётган даврда Хўжа Мирҳамид, Чубин ва ҳазрати Малик Аждар масжидлари ҳам шаҳардаги асосий масжидлардан ҳисобланган.

XVIII-XIX асрлар қўрғонлари қадимги ва илк ўрта асрлар ёдгорликлари ўрнида жойлашган. Қўрғонлар қад кўтарган тепаликларнинг кўпчилигида қалин маданий қатламлар мавжуд. Қўрғонларнинг асосий купчилиги 10 метрга яқин ва ундан баланд тепаликлар устида жойлашган.

Қўрғонлар қурилишида уларнинг мудофаа деворлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Пахса деворларнинг асрлар оша мавжуд бўлиб, XIX асрда ҳам муҳим мудофаа қисми сифатида сақланиб қолганлиги унинг мусахкамлиги ва ўз даври ҳарбий - муҳандислик талабларига жавоб берганлигининг далилидир. Ҳатто, рус ҳарбий мутахассислари ҳам Марказий Осиёдаги қўрғонларни ва аҳоли пунктларини ишғол қилишда улар учун асосий тўсиқ айнан қўрғон ва шаҳарларнинг пахса деворлари бўлганлигини такидлашган.

Мудофаани янада кучайтириш мақсадида деворлар бурчакларида, баъзи, ҳолларда ўрталарида минора, буржлар қурилган. Қўрғонлар қурилишида муҳандислар барча қўрғонлар қурилиши учун умумий бўлган қонуниятларга асосланишган. Шу билан бирга ҳар бир алоҳида қўрғонни қуришда маҳаллий хусусиятларни, қўрғоннинг жойлашган ўрни, атрофи муҳит ва бошқаларни ҳисобга олишган. Ўрганилаётган ҳудудда жойлашган XVIII-XIX асрлар қўрғонларида буржларнинг миқдори турлича эканлигини ҳам худди шу нарса билан боғлаш мумкин.

Қўрғонлар қурилишида кириш жойи - дарвозаларга, уларнинг мудофаасига ҳам катта эътибор қаратилган. Жанг пайтида қўрғонларнинг энг кам мудофааланган, заиф жойи бўлмиш кириш жойини иложи борида мустаҳкамлаш, мудофаасини кучайтириш қадим даврларданок ҳарбий мутахассислар фикри-ёдинини қамраб олган.

Марказий Осиё меъморлигида қалъага кириш жойларини мустаҳкамлаш мақсадида турли - туман дарвоза олди қурилмаларидан, минораларидан ва бошқалардан кенг фойдаланилган. XVIII-XIX асрлардаги дарвоза мудофаасини илгариги даврларда мавжуд бўлган дарвоза мудофааси услублари билан солиштириш қийин, албатта. Бу соҳада ҳам уй қурилишидаги каби анча содда ва қулай услублар қўлланилган. Бу даврда дарвозалар, айниқса, чегара қўрғонларида асосан битта бўлган. Бу нарсая жанг пайтида мудофаанинг энг заиф қисми бўлган дарвоза ҳимоясини осонлаштирган. Дарвозалар сонининг кам бўлиши, кўпинча битта бўлиши бутун Марказий Осиё учун хосдир.

Қўрғонларда бинолар харобаларини ўрганиш, улар XIII-XIX асрлар учун хос бўлган услубда "синч" деворлар ёрдамида қурилганлигини кўрсатади. Юқоридагиларнинг барчаси ушбу давр ўлка маданияти даражасини кўрсатади. Агар мазкур давр иморатларини нисбатан олдинги давр, хусусан, антик ва илк ўрта асрлар меъморлиги намуналари билан солиштирсак, мустаҳкам паҳса деворлар ёки ғиштин иморатлар қаршисида бу давр синч иморатлари ўлка маданиятида бир қадар тушкунлик юз бергандек тасаввур уйғотади. Лекин синч иморатларнинг устун тарафларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Синч иморатларни қуриш анча арзон бўлиши билан бирга, бундай иморатлар жуда мустаҳкамдир. Бу типдаги уйларнинг зилзилабардошлиги уларнинг аҳамиятини янада оширади. Умуман синч иморатлар сўнгги ўрта асрларга келиб Ўрта Осиё миқёсида кенг тарқалган.

Шаҳрисабз воҳасида синч уйлар пойдеворсиз қурилган. Қашқадарё воҳаси меъморлиги тарихини ўрганган В.Л.Воронина синч уйларнинг пойдеворсиз қурилишини воҳада ер қатламининг зичлиги, унинг хусусиятлари билан боғлаб, бундай ер қатлами ўз ҳолича енгил синч уйлари учун ишончли ва мустаҳкам асос

бўлиб хизмат қилганлигини ёзади. Иморатларни тиклашда "яккасинч" ва "қўшсинч" услубларидан биргаликда фойдаланилган.

1.3. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги ва ундаги меъморий обидалар

Шаҳрисабз - Ўрта Осиё халқлари меъморчиликлик ва шаҳарсозлик соҳасида эришган ноёб ёдгорликлар жойлашган маскандир. Бу ерда XIV аср охири ва XV аср 1-ярмида қурилган машҳур обидалар сақланиб қолган. Улар Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ташаббуси билан бунёд этилган.

Шаҳрисабзнинг меъморий обидаларидан Оқсарой қасри Ўрта асрларга оид буюк меъморий ёдгорликдир. Ҳозир ундан улкан пештоқнинг икки қудратли устунигина сақланиб қолган. Лекин шарқ муаллифлари унинг дастлабки қиёфасининг тасвирини қолдирганлар.

Низомиддин Шомий: "Унинг пештоқ ва ровоқларини Айюк (юлдузига) етказдилар, чунончи, бирон кимса жаҳонда унга тенг келадиган иморатни кўрмаган ва эшитмаган эди", - деб ёзганди (25).

Шарафуддин Али Яздий Оқсаройни янада ҳашаматли тасвирлаган: "Баҳор вақти ул шаҳарнинг тому тоши кўм кўк булур ва кўк кўрунғон жиҳатидин анга Шаҳрисабз от бўлуб турур. Сичен йилда, торих етти юз сексан бирда(1380,март) ул шаҳарға қалъа солдурди ва жаҳдлаб тамом қилдурди. Ва андоқ шаҳри бўлдиким, гардун Муҳандиси мунча ёши билан оламини кезиб, ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк кўрмаган турур" (26).

Ҳофиз Абру бундай деб ёзганди: "Онҳазрат(Амир Темур) жаноблари ҳурматидан буюк қаср қурдиларким, ҳозир Оқсарой номи билан машҳур турур". Бу, ҳозир биз тушунган маънодаги маҳобатли бино ёки сарой, иморатдир. Ҳатто Алишер Навоий даврида ҳам "айвон"деганда сарой назарда тутилган (27).

1404 йилда Самарқандга кетаётиб Шаҳрисабзда бўлган Руи Гонзалес де Клавихо кундалигида Оқсарой ҳақида жуда қимматли маълумотлар бор: "Эртасига, жума куни (яъни 1404 йил, 29 августда) элчиларни подшонинг буйруғи билан бунёд этилган саройга олиб бордилар. Айтишларича, бу ерда йигирма йилдан буён ҳар куни ишлашар экан. Ҳатто ҳозир ҳам кўп усталар ишлаб

турибди. Саройнинг кириш йўли жуда узун ва дарвозаси ҳам жуда баланд. Кириш жойида, ўнг ва чап томонда кошинлар ва турли нақшлар билан безатилган гиштин арklar қад кўтарган. Арklar тагида эшиксиз кичик хоналар бўлиб, уларнинг сатҳи кошинлар билан қопланган. Бу қоплама шунинг учун қилинганки, подшо саройга келган пайтда одамлар бу ерда ўтирадилар. Катта дарвозалардан сўнг яна бошқа дарвоза бор. Ундан кейин эса оқ тошлар ётқизилган ҳовли ва ҳашаматли безатилган тимлар бор. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бўлиб, ҳовлининг эни уч юз кадам. Ҳовли орқали саройнинг энг катта биносига ўтилади. Бу бинога киришда ҳам жуда катта ва баланд эшик бўлиб, у олтин, ложувард ва кошинлар билан моҳирона безатилган. Ўртада, эшик устида қуёш узра шер тасвирланган, чеккаларида ҳам шу каби тасвирлар бор... Бу эшик орқали чорси қабулхонага кирилади. Қабулхона деворлари ҳам олтин, ложувард ва кошинлар билан безатилиб, устига тилла суви югуртирилган. Бу ердан элчиларни юқори қаватга олиб чиқдилар. Бу ерда хоналар шунчалар кўпки, уларни бирданига тасвирлашнинг иложи йўқ. Бу ердаги безаш ишларининг барчаси олтин, ложувард ва қимматбаҳо тошлардан қилинганки, бунга ҳатто Парижнинг моҳир усталари ҳам қойил қолиши мумкин "(28).

Оқсаройнинг меъморий қиёфаси ҳақида тасаввур ҳосил қилишда Мирзо Бобурнинг маълумотлари муҳим: "Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурға кўб ва хўб эҳтимоллар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сул ёнида тавочи (навоҳи) беклари била девон беклари ўлтириб девон сўрар учун, икки кичикроқ пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтирур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик - кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидан бийикроқтур"(29).

Оқсарой қурилишининг бошланиши Амир Темурнинг Хоразм пойтахти Урганчга тўртинчи юришига тўғри келган. Амир Темур 1379 йилда Урганчни забт этгач, руҳонийлар, зиёлилар, ҳамда турли касб - ҳунар эгаларини Шаҳрисабзга кўчириш ҳақида фармон берган.

Пештоқ бахайбат устунларининг 47 метр қисми ички зинапоялари билан сақланиб қолган. Зинапоя бир неча босқичли, орада хоналари бор. Оқсарой кириш пештоқининг икки томонида асоси кўп қиррали цилиндрик минора қад кўтариб турибди. Пештоқ кириш жойининг эни 22 метр. Кириш жойи бу қадар кенг бўлган бошқа меъморий обида Ўрта Осиёдагина эмас, яқин атрофдаги минтақаларда ҳам бўлмаган.

Оқсарой қасрида Ўрта Осиё меъморлигининг юксак мактабига хос хилма - хил услубдаги безаклар қўлланган. Бу нақшинкор ва майоликали сиркор ғишдан иборат мозаикадир. Биргина ўйма мозаиканинг ўзида етти хил: кўк, ложувард, қора, сариқ, яшил, оқ ва тилла ранг мавжуд. Майолика эса ложувард, кўк, тўқ олча ранг, оқ, ғиштин - қизил ва тилла рангда берилган. Ғиштин мозаика билан асосан пештоқнинг юқори қисмлари безатилган. Бурчак минораларидаги қуръоний мазмундаги битик ҳам ғиштин мозаика билан ёзилган. Пештоқ ва айвоннинг ички ён деворларига безак мўл берилган. Бу ерда нафис ўйма майолика ва мозаика қўлланган. Айрим услублаштирилган ислимий нақшлар гилама услубида ишланган. Оқсаройнинг меъморий беағи кўпроқ гилама услубида ишланган.

Оқсарой меъморий беағида хаттотлик санъати алоҳида ўрин тутди. Бу санъат меъморий иншоотлар беағининг муҳим қисмига айланган. Оқсаройда араб ёзувининг икки асосий тури: куфий ва насх хати кўп қўлланилган. Куфий ҳарфлар тўғри чизиқли ва бурчаксимон. Насх хати ҳарфлари жимжимадор. Оқсарой беағида сулс, муҳаққак, райҳоний ва бошқа хатлар ҳам қўлланилган.

М.Е.Массон иккинчи равоқнинг ғарбий устуни занжирасида сақланиб қолган, Оқсаройдаги сиркор парчин билан пардозлаш ишлари ҳижрий 797 йил (мил.1394-1395й)да бажарилгани ва меъмор Муҳаммад Юсуф Табризий эканлиги ҳақида маълумот берувчи битикни ўқиган. Бу битик икки бор такрорланган (30).

Оқсаройдан олдин, XI-XII асрларда кўриниши жиҳатидан унга ўхшаш Термизшоҳлар саройи қурилган. Салжукийлар ҳукмронлиги даврида, XI асрда қурилган Шаҳриарқдаги ҳукмдор саройи тарҳи ҳам Оқсаройга тимсол бўлган (31).(32).

Оқсарой, сўзсиз, сиёсий маъмурий ва мафкуравий ҳокимият жамланган саройлар қаторига кирган. Сарой айни хизмат вазифаси туфайли шаҳар ичида жойлашган. Саройнинг ташқи кўриниши улуғвор бўлибгина қолмай, балки ички безаклари ҳашмадор бўлган. Кириш пештоқининг, ҳовли саҳни тўшамасининг меъморий қолдиқларига кўра, Оқсарой бутун Марказий ва Яқин Шарқда тенги йўқ қаср бўлган. Сарой ҳажми ҳамда ҳашамати билан замондошлар ақлини лол қолдирган.

Саройнинг бунёд этилишида Амир Темур муҳим роль ўйнаган, у қурилажак бино ўз куч - қудрати ва ҳокимиятини намойиш этишни ният қилган. Зеро, бош пештоқ устунни ён деворига: "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!", деб йирик ҳарфлар билан бежиз ёзиб қўйилмаган.

Шаҳрисабзнинг жамоа - диний зонаси - шаҳарнинг жануби - шарқий қисмида XIV-XV асрларда йирик мақбара комплекслари бунёд этилган. Улардан энг машҳурлари "Дор ус- сиёдат" ва "Дор ут- тиловат" – Амир Темур ўзи ва авлодлари учун қурдирган масжид, мадраса ва мақбаралар мажмуаси.

Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китоби 1394 йилги воқеалар баёнида: "Амир Темур Шаҳрисабзда махсус бино қурилсин, унда ўз ўғли - "Амирзода Жаҳонгир" ва бошқа "амалдор ва бузрукворлар"нинг даҳмалари қўйилсин деб фармон берган (33). Дор ус-сиёдат улкан бино бўлиб, бўйи қарийб 70 м эни эса 50 м га етади. Кириш йўли худойи хонага, ундан Амир Темурга мўлжалланган ўртадаги ер ости сағанаси жойлашган жойга олиб боради. Хонанинг муюлишидаги узун йўлакдан турли-туман зиёфатлар ўтказиладиган ён хоналарга ўтилади.

XVI асрнинг 2-ярмида Абдуллахон II нинг қилган ҳужумларидан бирида иморат вайрон бўлган. Дор ус-сиёдат мажмуаси вужудга келишига Жаҳонгир мақбараси асос бўлган. Жаҳонгир мақбараси қурилаётган вақтда тахмон ва гумбазнинг дастлабки кўриниш тузилиши ички томондан ганчли муқарнас безак билан бекитилиб қўйилган эди, унинг қолдиқлари ҳанузгача сақланиб қолинган. Бу ёдгорлик Ўрта Осиёда ягона, яъни тўрт гумбазли мақбара бўлган. Ҳозирги вақтгача эса мана шу тўртта гумбаздан фақат учтаси сақланиб қолган, ичи ганчли

гумбаз эса вақт ўтиши билан бузилиб кетган. Ички гумбаз қанослари остида зангори бўёқ билан: "Доно эзгу ният билан ҳаракат қилади,нодон эзгу ният билан кутиб туради" деган ҳикматли ўғитлар битилган.

Мақбара жанубий деворининг ҳаддан ташқари қалинлиги ва шимоли-ғарбий бурчакда мустаҳкам думалоқ минора мавжудлиги эътиборни тортади,гўё умумий ҳажмий ечимдаги мутаносиблик бузилгандай туюлади. Бу ҳолат Б.Н.Засипкин томонидан қайд этилган (34).

"Бобурнома"да ҳам Амир Темур фарзандларининг қабри шу хилхонага қўйилганлиги тилга олинади (35). Умаршайхни қабри Жаҳонгир мақбараси билан 21,5 м ораликда ,яъни унинг жанубида симметрик тарзда жойлашган. Қабрнинг усти ўзига хос кичик гумбаз билан ёпилган. Ер ости қабри унча чуқур эмас. Ер ости қабри унча чуқур эмас. Ер сатҳидан атиги 3м пастда жойлашган. У ҳам тарҳда Жаҳонгир Мирзонинг қабри каби 4,5x4,5 м ўлчамга эга.Мармар қабр тошларининг тузилиши ва уларнинг иишлатилишига қараганда,бу мақбара Ҳаким ат-Термизий обидасига жуда ўхшаб кетади.

Амир Темурнинг ер ости сағанаси ўрта аср меъморчилигининг ажойиб намунасидир. Унча катта бўлмаган хона тарашланган ясси мармар тахталар билан қопланган. Баланд гумбаз, чиройли саккиз қиррали шифт ҳосил қилган тўртта равоқ ҳошияси қуръон ёзувлари битилган ўйма нақшлар билан безатилган.Ер ости сағанасининг қоқ ўртасида Амир Темур учун аталган тош тобут турибди. Бироқ, Соҳибқироннинг жасади бу мақбарада эмас,балки Самарқандда Муҳаммад Султон учун қурилган Гури Амир мажмуасига қўйилган.

Дор ус- сиёдат мажмуаси "Ҳазрати имом" номи билан ҳам изоҳланади. Ҳазрати имом - "буюк имом" маъносини англатади. XIX асрнинг ўрталарида мақбара ёнида нақшинкор, синчли, катта айвонли ва хужралари бўлган гумбазли гузар масжиди қурилади. Ўша вақтда ер ости сағанасига тасодифан дуч келинган.

Дор ут- тиловат мажмуасининг маъноси - "Тиловат қилувчилар саройи" деган маънони билдиради.

Бу мажмуага:

1. Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси;

2. Гумбази Сайидон мақбараси;
3. Кўм гумбаз масжиди;
4. 1910 йилларда қурилган бир қанча хужралар киради.

Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси Амир Темур томонидан қурилган қадимий ёдгорликдир. Шайх Соҳибқироннинг отаси Муҳаммад Тарағайнинг пири бўлган. У 1370 йилда вафот этганидан сўнг, Амир Тарағай чуқур қайғуга тушиб ўғлига қуйидагича васият қилади: "Менинг вафотимдан кейин жасадимни ўз устозим - пирим ёнидан қўйдир" 1373 йилда Муҳаммад Тарағай вафот этгач, Амир Темур унинг васиятини бажо келтириб жасадини шу шайхнинг "оёқ остида", яъни "пойи қадамида" қўйдиради.

Пештоқ - гумбазли ва икки устунли синчкор Шамсиддин Кулол мақбарасининг аввалги меъморий асоси сақланиб қолинган. Тўртбурчак тарҳли бу бино илгари тўртта равоқли бўлган. Асосий кириш эшиги пештоққа монанд қилиб безатилган. Унинг чиройли сағаналарида ҳали ҳам юлдузсимон кўк ва мовий ғиштин безаклар, улар орасида зангори бўёқларда кўфий хати битилган ёзувлар мавжуд. Сирти ўйма нақш билан безалган. Эшик XIV аср охири - XV аср бошларида ўрнатилган. Устунлар оралиғида кейинчалик катта ва купол даҳма қурилган бўлиб, унинг шувоғига ҳашаматли сағаналарнинг ўймакор мармар қопламалари ёпиштирилган.

Шамсиддин Кулол мақбараси Кўкгумбаз масжидининг шарқий ўқида жойлашган. Тархига кўра у ташқаридан тўғри тўртбурчакли (12x10,5м), ичкаридан эса квадратдир (7,5x7,5м). Девори анъанавий квадрат шаклдаги пишиқ ғиштдан кўтарилган.

Обиданинг қуйи қисми 21x12x4 см ўлчамли тўғри тўртбурчак ғиштдан терилган. Саҳндан нақшинкор терракотанинг катта ҳажмли бўлағи ҳамда оч ложувардсир қопланган иккита терракота парчаси топилди. Бундай шаклдаги ғишт X аср охири - XI аср бошларида Карманадаги Мирсаид Баҳром, Тимдаги Аработа мақбаралари қурилишида ишлатилган. Бухородаги Сомонийлар мақбараси ҳамда Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуаси илк ёдгорликлари қурилишида ҳам шундай ғиштдан фойдаланилган.

Гумбази Сайидон мақбараси 1437 (ҳижрий 841) йилда Мирзо Улуғбек томонидан қурилган. Бино интерьерларида деворларнинг тепа қисмларида кўк фонда оқ ҳарфлар билан ёзилган, айрим жойлари зарар кўрган ёзув сақланиб қолган. Унда қуйидаги сўзлар битилган: "Буюк султон, аллома... дин ва эътиқод... билимдони Улуғбек Кўрагон авлодлари учун Оллоҳ унинг ҳукмронлигини бардавом қилсин, 841 йилнинг ойдин ойларида мазкур мақбара бунёд этилди" (М.Е.Массон бўйича). Мақбара ичида XV - XVII асрларга оид бир неча сағана бор.

Гумбази Сайидон мақбараси Шоҳизиндадаги икки гумбазли Қозизода Румий мақбарасига бевосита ўхшашдир. Мақбара ичи хочсимон, ташқаридан эса деярли квадрат шаклда. Ғарб томони бироз туртиб чиққан пештоқ билан безатилган.

Гумбази Сайидоннинг меъморий безаклари Кўкгумбаз масжиди беағига жуда ўхшайди. Тахмонлар бўртма хошияга олинган. Бағаллар пойидаги равоқлар ҳам шу тариқа безатилган. Мақбара ичига ишланган нақшлар ғоят диққатга сазовор. Бутун сирт, шу жумладан чортоқ бурчакларидаги вертикал сиртлар, равоқларнинг кўриниб турган сирти, равоқсимон бағаллар сирти, гумбаз ости юзаси ва бутун гумбаз нақш билан қопланган. Нақш асосан мовий ва қизил рангда берилган. Расмлар хилма-хил. Гумбаз ости белбоғи саккиз қиррали юлдузсимон нақш ҳосил қилувчи тасмали гириҳ билан тўлдирилган. Юлдузлар нури қизил ичига олинган. Катта юлдузлар орасига учтадан кичик юлдуз жойлаштирилган. Гириҳнинг ҳандасавий шакллари атрофига чизик тортилган.

Гумбаз юзаси бир неча белбоғга ажратилган, шунингдек юлдузсимон нақш билан тўлдирилган кўп қиррали гириҳ ҳам нақш қилинган. Саккиз қиррали пойгумбаз устидаги қизил фонга тифиз ишланган ислимий-гул нақшли равоқлар орасидаги бўшлиқ турунжлар билан безатилган. Девор юзасининг кўп қисмига спиралсимон нақш ишланган. Мақбаранинг пастки қисмида олти қиррали ложувард тахтачалардан шарафа бўлган. Мақбара ўртасига тўртта мармар қабртош ўрнатилган. Бу қабр тошларнинг устки ён томонларида бир қанча ўймакор ёзувлар бор, уларда қуръондан оятлар ва Термизлик саидларнинг

номлари зикр қилинган. Саидларнинг термизлик саидлар деб юритилиши уларнинг фақатгина руҳи ҳоклари Сурхандарё вилоятининг Термиз шаҳридан Улуғбек томонидан келтирилган.

Кўкгумбаз масжидини мирзо Улуғбек 1435 йилда отаси Шоҳрух номини абадийлаштириш учун қурдиртирган. Масжиднинг маҳобатли гумбази кошинкорий кўк рангда бўлганлигидан, у "Кўк гумбаз"номи билан аталган. Кўкгумбаз масжиди деярли квадрат шаклда (12,52x12,61м),тўрт томонида эни 4,48-4,63м ли, ичкарига 2,05 м кириб борган тахмонлар бор. Унинг диаметри 22,5 метрга тенгдир. Ўрта Осиёдаги мақбара ва масжидларнинг гумбазлари ичида диаметрининг энг катталиги билан ажралиб туради. Кўкгумбаз масжидининг баландлиги 36 метрни ташкил қилади. Жанубий, шимолий, шарқий деворларида равоқли ўтиш жойи қўйилган. Шимолий ва жанубий ўтиш жойларидан ён томонлардаги айвонларга чиқилади. Шарқий тахмон масжид бош тарзи пештоқнинг бақувват ён устунларидан ҳосил бўлган. Пештоқ оралиғи 10 м га тенг. Пештоқ ён устунларида томга олиб чиқадиган бурама зина бор. Масжиднинг ғарб тарзи тарихан вужудга келган катта йўлга қараган. Бу томон ғишт тирговучни ёдга солувчи безак пештоқ билан ҳошияланган.

Масжиднинг ички кўриниши оддий. Ички тахмонлар тўғри бурчакли ҳошияга олинган равоқ билан ёпилган. Ҳошия саҳндан 10,7 м баландликкача, дераза устигача борган. Гумбаз бағал бурчакларини тўғри саккизбурчак ҳосил қилган ҳолда ёпувчи ярим куббали равоқли чортоқ устига жойлашган. Бағалнинг пойгумбаз дарчалари унча чуқур бўлмаган равоқли токча ичига олинган. Кунжаклар билан токчалар оралиғи қалқонсимон бағал билан тўлдирилиб, ўн олти қиррали шакл ҳосил қилинган. Уларнинг қулфи токчалар ва чортоқнинг бурчак бағали билан бир хил баландликда жойлашган. Ўн олти қиррали шакл усти бир ташқарига чиқиб турувчи чарҳи гумбаз билан ёпилган.

Чўзиқ олти қиррали шаклларда мовий фонда бир бирига чирмашган оқ ва ложувард поялардан иборат мужассамот берилган. Поялар қўшилган ва ажралган жойлар олти япроқли гул билан безатилган. Ҳошиядан юқорида, пойгумбазнинг бор баландлигича куфий битик ишланган. Унда Қуръони карим 48-сураси -

"Фатҳ" нинг биринчи, иккинчи ва учинчи оятлари келтирилган. Уларнинг устидан оқ сиркори ғиштчалардан "Ҳукмронлик-Оллоҳга хос, бойлик - Оллоҳга хос" мазмунидаги бошқа битиклар ишланиб, кўк ранг билан ҳошияланган.

Кўкгумбаз масжидининг пештоқи ҳам диққатни тортади. Пештоқ бош равоқ, устунлар ва равоқли токчалардан иборат. Устунлар олдинга бўртиб чиққан, ёнларида уччорак устунчалар бор. Устунларнинг қуйи қисми ҳажм ҳисобига энлироқ бўлиб, таянчдан юқориси пештоқ эни даражасидадир.

Бинонинг бутун пештоқи, шу жумладан устунлар ва уларнинг ён деворлари, равоқнинг ички қисми, яъни ён ва софитли бет деворлари ҳамда равоқли токчаси ғиштин мозаика билан қопланган, майоликали нақшиндор кошинлар хол-хол қилиб ёпиштирилган. Пештоқ мужассамоти шаклан содда ва аниқ. Равоқнинг икки ёнига устунлар ишланган. Ҳар бир асосий қисм нисбатан майда меъморий қисмга бўлинган. Устунлар ҳошиялар воситасида катта-кичиклиги бир хил бўлган тўртта безак токчага бўлинган. Токча учли равоқ билан тугалланган. Устунлар ёнида қуйи қисми мрамрдан ишланган ва қоши майоликали бўлган гулдаста қад кўтарган. Гулдастанинг цилиндрик қисми бироз ичкарига қайрилган олти қиррали майолика тахтачалар билан қопланган. Гулдаста қоши гўё бош равоқ заваравини суяб турувчи элементдир. Пештоқ бет деворида қисман сақланиб қолган битик гулдасталар қоши баландлигида ёзилган. Ҳовли айланаси бўйлаб яримтаки ғишт қирраси билан териб, йўлка қилинган. Масжидга кириладиган асосий жой яқинида ғишт арчасимон, бошқа жойларда эса қирраси билан ҳамда бир - бирига боғлаб терилган.

Жамоат меъморлигидан ўрта асрлар ҳаммоми тарихий шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Ўрта асрлар ҳаммоми классик типда қурилган. У XIV асрнинг иккинчи ярмида ёки XV аср бошида барпо этилган. Марказий хона атрофидаги 9 хонадан таркиб топган. Ювиниш хоналаридан шимолроқда 3 та ҳовуз ва ўтхона жойлашган. Ҳаммом ичи 3 қисмга бўлинган. Биринчи қисм 3та хонадан иборат. 1- хона ертўлага кираверишда жойлашган. Тарҳига кўра тўғри тўртбурчак шаклда, усти гумбаз билан ёпилган. Шарқ томондан унга тақаб супа қурилган.

2-хона биринчисига нисбатан ғарброкда, шимол-жануб ўқида жойлашган, тарҳи квадрат, унча чуқур бўлмаган тўртта тахмони бор. Шарқий, ғарбий ва шимолий тахмонлар залга кириладиган йўл бўлган.

3-хона марказий зал. Тарҳига кўра у бурчаклари кесик саккиз қиррали. Шарқ ва ғарб томонларида чуқур тахмонлар бор. Кесик бурчакларга эшиклар ўрнатилган. Жануб томондаги эшиклардан алоҳида кичик хоналарга ўтилади. Шимол томондан улардан шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий бурчакдаги иссиқ хоналарга кирилади. Марказий залнинг усти гумбаз билан ёпилган. Зал марказида - олти қиррали суфа. Бурчаклардаги хоналарнинг ҳам усти гумбаз билан ёпилган. Ҳаммом саҳнига мрамар тўшалган, остида иссиқлик ўтказадиган каналлар жойлашган.

Ҳаммомнинг барча хоналарининг ўзига хос вазифаси бўлган. Марказий залдан олдин оёқни ювиш ва иссиққа мослашиш учун 3 та ўтиш хонаси келади. Марказий залнинг орқасидаги 3 та хона совунлаб ювинадиган хона бўлган. Залнинг шарқ ва ғарб томонида жойлашган иккита чуқур тахмон уқалаш хонаси бўлган.

Кўплаб ёзма манбалардаги хабарларга кўра, ҳаммомларга кўпинча безак берилган (36). Шаҳрисабз ҳаммомининг тарҳи ва ички жиҳозлари пухта ўйлаб қилинган.

Чорсу Шаҳрисабз марказида, шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга олиб боровчи йўллар чорраҳасида, ўқларга мутаносиб жойлашган, умумий ўлчами 21x21 м ли бир марказли бино бўлиб, олдинга туртиб чиққан тўрт пештоқи, гумбаз остидаги марказий залга олиб кирувчи равоқлари бор. Зал тарҳи кесик бурчакли квадрат, залга нисбатан диагональ жойлашган ўтиш йўлларида бурчаклардаги хоналарга кирилади.

Марказий зал усти чарҳи гумбазли. Гумбаз зал бурчакларида паст жойлашган равоқ бағаллари устидан бошланган. Хоналарда қалқонсимон бағаллар "арчасимон" қўйилган.

XV асрда қурилган Шаҳрисабз Чорсуси Бухоро, Самарқанддаги Чорсулар такрори эмас. У бундай бинолар типологиясини сақлаган ҳолда алоҳида ечимга эга (37).

Коба карвонсаройи Марказий Осиёдаги жамоат меъморлигида алоҳида ўрин тутди (38). Г.А.Пугаченкова қайд этганидек, карвонсарой меъморлиги ва тарҳий мужассамотида мўғуллардан аввалги даврлардаёқ ишлаб чиқилган эски ҳажмий-тарҳий ечимларга риоя қилинган (39). Карвонсаройлар асосини кесик тўғри тўртбурчак ҳосил қилади.

Шаҳрисабздаги Коба карвонсаройи XVI асрдаги бу тоифа меъморликнинг ягона ёдгорлигидир. Шаҳардаги бошқа карвонсаройлар сақланиб қолмаган.

XVI асрда барпо этилган Кобанинг меъморий қиёфаси, Самарқанд ва Бухорадаги шу каби иншоотлардан фарқ қилгани ҳолда, бирмунча сипо. Кириш пештоқи анъанавий равишда Шаҳрисабз эски шаҳар қисмида тарихан юзага келган катта йўлга қараган. Ҳовлиси кесик бурчакли квадрат шаклга яқин. Ҳужралари учли гумбазлар билан ёпилган.

Туб аҳолининг оғиздан-оғизга ўтиб келаётган гапларига қараганда, бу карвонсаройда ўз вақтида турли мамлакатлар, шу жумладан Ҳиндистондан келган савдогарлар ҳам қўниб ўтишган.

"Коба" номининг келиб чиқиши бир тахминда бу "Қубба" сўзининг маҳаллий аҳоли типигаги талаффузи дейилса, бошқасида гўёки уни арабларнинг Куфа шаҳридан келган усталар қурганлиги учун "Куфа" сўзининг бузилган шакли дейилади.

Чубин меъморий мажмуи шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида, Чубин маҳалласида жойлашган. Чубин кўпроқ жой номи билан боғлиқ бўлиб, у ерда ўтмишда, эҳтимол, ёғочга ишлов берувчи ҳунармандлар маҳалласи жойлашган бўлиши мумкин. Ёдгорлик функционал жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўғинлар - масжид биноси, ҳужралар, дарвозахона ва ҳовлидан таркиб топган мажмуадир (40).

Иншоат мужассамотининг маркази квадрат тарҳли, усти гумбаз зал. Ғарб-шарқ ўқида меҳроб вазифасини бажарувчи ва ички бўшлиқни бўрттириб турувчи ярим саккиз қиррали тахмон жойлашган. Шу ўқнинг ўзида шарққа қараб

масжиднинг ярим саккиз қиррали пештоқ тахмони тарзида ишланган кириш йўли жойлашган. Шимол-жануб ўқида унча баланд бўлмаган гумбазли икки зал жойлашган. Бу заллар асосий зал билан ташқи тарзга пештоқли кириш йўли билан қараган ўтиш жойи орқали боғланган.

Залнинг икки ёнида мутаносиб жойлашган, ташқи тарзи равоқли тахмонлар билан безатилган гумбазли хоналар бор. Бурчакларда бир-бирига ўтиладиган гумбазли хоналар жойлашган. Уларнинг ҳам ташқи тарзи равоқли тахмонлар билан безатилган. Ғарбий хоналарда асосий залдан чиқиш учун бурчак йўлаклар кўринишида кўшимча йўллар қўйилган.

Бино тарзлари анъанавий мутаносибликка асосланган ҳолда безатилган. Ўқларда пештоқлар барпо этиш орқали шимолий, шарқий ва жанубий тарзлар мутаносиблигига эришилган. Устунлар юзаси пилястралар воситасида чуқур бўлмаган тахмонларга ажратилган. Тахмонларда тўрт марказли туташма равоқлар қўйилган. Чубиннинг ҳажмий-тарҳий мужассамоти ўз функциясига, кўҳна шаҳарнинг меъморий тизимида эгаллаган ўрнига кўра, хонақоҳларнинг Шаҳрисабз шаҳар қурилиши таркибида алоҳида аҳамиятига эга меъморий турига мансубдир.

1-боб хулоса

Қашқадарё вилояти меъморчилиги Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари сингари кўп минг йиллик тарихга эга. Буни вилоят ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ёдгорликларидан бемалол ўрганиш мумкин. Қашқадарё ҳудудида суғориладиган ва лалми деҳқончиликка мос бепоён далалар, чорвачиликнинг ривожланишига қулай даштлар ва яйловлар кўп. Бу ҳолат маҳаллий санъат табиатига бевосита таъсир кўрсатган. Унда ҳам ўтроқ ҳам кўчманчи қабилалар маданияти анъаналари учрайди.

Воҳада шаҳарсозлик юксак даражада ривожланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Вилоят ҳудудида шаҳар маданияти анъаналари бир текисда ривожланган йирик аҳоли пунктлари ҳамда кўплаб қишлоқлар вужудга келган. Қашқадарё воҳаси шаҳарлари Ўрта Осиёнинг муҳим савдо йўлларидаги транзит пунктлари вазифасини ўтаган.

Шахрисабз меъморлигининг маҳаллий хусусиятлари, айниқса, мадрасалар қурилишида яққол намоён бўлади. Юқорида кўриб чиқилган мадрасалар XVIII асрга ва XX аср бошларига хос бўлиб, бу даврда у Бухоро хонлигининг иккинчи йирик шаҳри бўлган, пойтахт меъморлик мактабининг кучли таъсири остида ривожланган. Шаҳарнинг ўрта асрларга оид меъморлиги қизиқарли, ўзига хос, шу билан бирга, Марказий Осиё меъморлигининг кам ўрганилган қисмини ташкил этади. Бу ерда сақланиб қолган ноёб, қадимий ва йирик иншоотлар – XVI асрда қурилган Кўкгумбаз намозгоҳ масжид, ھаммом ва Қашқадарё устига қурилган кўприк маҳаллий усталарнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Меъморий обидалари-масжидлар, мадрасалар, макбаралар, ھаммомлар, гидротехник иншоотларнинг шаклланиши, уларнинг типологик ва композицион хусусиятлари Қарши ва Шахрисабз шаҳарлари мисолида тўлиқ таҳлил этилган. Бу шаҳарлар санъат ва хунармандчиликнинг йирик марказлари билан доимий маданий алоқада бўлган турли таъсирларни ўзига сингдирилган янги ғояларни ўзлаштирган.

2 - БОБ. ШАХРИСАБЗ ШАҲАРСОЗЛИГИ ТИЗИМИ

2.1. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги ривож

Шаҳрисабз (ёки Кеш) - Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларидан бири бўлиб, у савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланиши асосида пайдо бўлган.

Шаҳрисабздан Ўзбекистон пойтахти - Тошкентгача бўлган масофа 410 км, вилоят маркази Қарши шаҳригача 104 км, Самарқанд шаҳригача 80 км ни ташкил этади.

Темур ва темурийлар даврида Шаҳрисабз "Фан ва тафаккур гумбази" сифатида гуллаб гуркираган шаҳар деб тан олинган, унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган олимлар фаолият юритишган.

Бу ерга Навоий, Жомий кўп марталаб ташриф буюришган, Улуғбек истиқомат қилган.


XIX аср охири - XX аср бошларида Шаҳрисабз катталиги ва аҳамияти бўйича Бухоро амирлигининг учинчи шаҳрига айланган. Кейинчалик унинг аҳамияти яъни тутган ўрни пасая борди. 1929 йилда Шаҳрисабз туман марказига айланди.

Дастлабки (биринчи) режавий ташкил этилиши - қадимий Шаҳрисабз ҳудуди анча кейинги даврлардаги мавзелар билан биргаликда жанубий-ғарбий қисмда 200,0 гектарни (га) ташкил этади, бу қисм архитектуравий-тарихий ёдгорликлар ва олдинги асрларда қурилган жамоат ва ўтган ўнинчи йилликларда тикланган турар-жой бинолардан ташкил топган мураккаб гузарларни ўз ичига олади.

Яқин кунларгача эски шаҳар ҳудудида ташкил топган маъмурий-хўжалик бошқарув объектлари фаолият юритди.

1995 йилдан бошлаб ҳозирги кунда ҳам эски шаҳарнинг шимолий қисмида (Оқсарой туманида) бу тарихий туманга ёт бўлган объектлар йўқотилмоқда ва мамлакат ҳукумати томонидан бу қадимий ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ерда буюк ҳукмдор Амир Темур ёдгорлиги қурилиши амалга оширилган ва унинг номи берилган хиёбон барпо этилган. Бу ҳудудда Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланди.

Унинг ривожланиш босқичлари милоддан аввалги VII асрларга тўғри келади.



Милоддан аввалги VII аср.




Милоддан аввалги VII- VIII аср.


IX- XV асрлардаги ривожланиш босқичлари эса қуйидагича:




IX-X асрлар.



X-XIV асрлар.



XIV-XV асрлар.



Шаҳрисабз шаҳрининг XVI асрдаги ривожланиш бош режаси.

Архитектуравий - тарихий қадриятларга келсак, шаҳар ўрта асрлар архитектуравий ёдгорликларига эга бўлган марказлардан бири бўлиб, Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида давлат томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги ёдгорликлар мавжуд:

- Оқ-сарой саройи - 1380 йил.
- Кўк-гумбаз масжиди - 1436 йил.
- Гумбази - Сайидон мақбараси - XV-аср.
- Шамсиддин Кулол мақбараси - XV-аср.
- Жаҳонгир Мирзо мазори - XIV-аср.
- Малик аждар масжиди - XIV-аср.

- Кундузак масжиди - XIV-аср.
- Ўрта асрлардаги қурилган ҳаммом - XI-аср.
- Чорсу савдо гумбази - XVI-аср.
- Ишлаётган масжид - XIX-XX асрлар.
- Гумбаз масжиди - 1903-1904 йиллар.
- Маҳалла масжидлари - XIX аср - 2та.
- Тарихий турар жой бинолари.
- Иккита карвон сарой.
- Мирҳамид хонақоси - XIV-XV асрлар.
- Шаҳар қалъасининг девор қолдиқлари.

Бу ёдгорликлар дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган туристларда доимий равишда катта қизиқиш ўйғотмоқда ва уларга давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу объектлар ҳақиқатан ҳам бутун жаҳон мамлакатлари томонидан тан олинмоқда ва ҳозирги авлод олдида бу умумжаҳон қадриятларни сақлаш вазифаси турибди.

Улкан объект - Оқсарой, улуғвор иншоат - Кўк гумбаз масжиди, Шамсиддин Кулол мавзолейи, Малик Аждар масжиди Кеш - Шаҳрисабз тарихига бағишланган турли илмий мақолалар, ишланмалар ва илмий тадқиқот ишларида ёритилган. Бироқ бу объектлардан ташқари эски шаҳар қисмида жойлашган турар - жойлар тарих предмети ҳисобланиб, улар иқлимий ва қурилишнинг маданий жиҳатлари таъсири остида юзага келган, улар ҳақида алоҳида шуни таъкидлаш жоизки, бу Ўрта Осиё иссиқ иқлим шароитларида номлари ноъмаълум бўлган усталар томонидан амалга оширилган катта салмоқли турар - жойлардир.

Турар - жой биноларининг ечимлари турли-туман бўлишига қарамасдан, уларда асосий такрорланадиган ҳажмий - режавий элементларни (айвон, яшаш хоналари, меҳмонхоналарни кутиш хонаси) қатъий ажратиб кўрсатиш мумкин.

Турар - жойларнинг катта қисми архитектура ёдгорликлари бўлмасада, лекин ўзининг режавий (тархий) ечимлари билан халқ қадимий анъанавий режасини ўзида акс эттирган, ўрта асрларга хос бўлган масштабли ва ҳажмли

характеристикаларни ўзида мужассам этган ва архитектуравий қадриятлар учун фон сифатида хизмат қилади.

Турар - жойларнинг бундай гуруҳидан музей - этнографик зона сифатида фойдаланиш мумкин, бу зона анъанавий халқ турар - жойлари тасвирида ҳудуддаги кам қадриятли қурилишлардан тозаланган қайта тикланган қалъа деворлари фонида ўз аксини топган. Ўтмиш ўрта асрларидаги яшаш муҳитини қайта тиклашнинг бундай амалиёти дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланилмоқда.

Афсуски, архитектура ёдгорликлари мураккаб ҳолатда турли савдо ва умумий овқатланиш объектлари қуршовида қолган, бунда ёдгорликларни муҳофаза қилиш зонаси ҳисобга олинмаган.

Бу муаммонинг асосий сабаби ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва транспорт учун тегишли бўлган зарурий шароитларга эга бўлмаган марказий бозорга келадиган аҳолининг ортиқча концентрациясидир.

Машиналар турар жойининг йўқлиги ва ҳуқуқини ҳимояловчи хусусан, ДАН (Давлат автомобил назорати) органлари томонидан назорат яхши йўлга қўйилмаганлиги туманнинг ҳамма жойларидан келадиган машиналарни ўтиш жойи бўйлаб қўйишга мажбур этади, бу эса энсиз профилга эга бўлган ўтиш жойни янада қисқартиради.

Иккинчи режавий (тархий) ташкил этилиш - селитеб - саноат ҳудуд "Китоб" темир йўл станцияси базасида вужудга келган, бу зона ўтган йиллар ичида турли саноат объектлар, омборхоналар, базаларнинг бунёд этилиши эвазига анча ўсди, улар асосан бир икки қаватли бинолар сифатида режали асосда қурилган.

Учинчи режавий (тархий) ташкил этилиши - бу биринчи ва иккинчи режавий (тархий) ташкил этилиш орасида юзага келиб, ўтган асрнинг 50-80 йиллар шаҳарсозлик фаолиятининг натижаси бўлиб турли даврларни бирлаштиради.

Унда тегишли маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари тўпламига мактаб, болалар боғчаларига эга бўлган кўп қаватли замонавий турар-жой микрарайонлари барпо этилди. Шаҳрисабз ҳудудида Давлат томонидан муҳофаза қилинадиган 16 та архитектура ёдгорлиги мавжуд.

1988 йилда ишлаб чиқилган Бош режа(тарх)ни амалга оширишнинг таҳлили.

Амалдаги Бош режа(тарх) 1988 йилда "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" институти томонидан ишлаб чиқилган.

Аҳолининг ҳисобий сони аниқланган бўлиб, қуйида келтирилган:

биринчи навбатда (1995 йил) - 75,0 минг киши;

оралиқ муддатда (2000 йил) - 90,0 минг киши;

ҳисобот муддатда (2015йил) - 120,0 минг киши;

2005 йил 1 январ ҳолатида аҳоли сони 90,36 минг кишини ташкил этди, яъни аҳоли сони оралиқ муддат бўйича ҳисобий сонга бир оз етмади ва оралиқ муддатда бу кўрсаткич 87,8 минг кишини ташкил этди.

Амалдаги Бош режа (тарх) бўйича яшаш майдонининг меъёри 14 м² ни ташкил этди.

Қаршига шаҳарнинг маркази билан биргаликда Қарши, Косон, Касби, Нишон, Ғузор, Дехқонобод, Муборак, Баҳористон, Усмон Юсупов туманлари киритилади.

Шаҳрисабзга эса шаҳарнинг маркази билан биргаликда Қамаш, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи ва Яккабоғ туманлари ҳамда бешта шаҳар (Шаҳрисабз, Қамаш, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ, шаҳарларини); иккита шаҳар типидagi посёлкалар (Мироқи Эски Яккабоғ) ва юқори номлари зикр этилган туманларда жойлашган 678 та қишлоқ аҳоли пунктлари киритилган.

Аҳоли пунктининг масштаб ва хусусиятини, аҳоли ҳисоб миқдорини инобатга олиб, келажакда Шаҳрисабз шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари, шаҳарларни лойиҳалашнинг қоида ва меъёрлари ҳисоби билан ўртача шаҳар сифатида кўриб чиқилади ва лойиҳаланади.

Бош план ечими асосига қуйидаги принциплар қўйилган:

1. Шаҳар чеккаси ва саноат зоналарини комплекс ташкил этиш, уларда Шаҳрисабз шаҳрига туташ бўлган Китоб шаҳри муҳитини инобатга олиб, меҳнат, турмуш ва дам олиш учун қулай шароитларни яратиш.
2. Асосий зоналар ва ташқи йўллар орасидаги қулай транспорт ва пиёда алоқаларни ташкил қилиш.

3 Меъморий - лойиҳалаш тузилиши, табиий шароитлар ва замонавий вазиятнинг таянч элементлари, меъморий ёдгорликларнинг борлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Имкон борида, тугалланган меъморий - шаҳарсозлик мажмуасининг ҳар бир босқичда шаҳарнинг планли ривож.

Қўйилган вазифалар натижасида бош план ечими қуйидагига олиб боради:

- Шаҳар ҳудуди функционал фойдаланиши бўйича саноат ва шаҳар чети зоналарига бўлинади. Бу зоналар шаҳар лойиҳалаш системаси таркиб топган ўн бир тузилишни ўз ичига олади.

- Меъморий - тарихий зона шаҳар чети ҳудудига киради ва унинг қурилишида лойиҳалаш иштирок этади.

- Шаҳар ривожининг ҳар бир босқичида шарқий ва жануби-шарқий ҳудудларни ўзлаштириб, ривожланган транспорт ва муҳандислик инфратузилмаси замонавий шаҳар чети районларини яратиш.

- Шаҳарнинг янги марказини, маъмурий, спорт-парк ва медицина зонасига эга ўзаги, шунингдек бу ҳудудларни ўзлаштириш районида кичик марказларни шакллантиришни бошлаш.

- Меъморий - тарихий зона базасида меҳнаткашларнинг дам олиш жойига эга амалдаги тарихий мажмуани яратиш, бу эса Шаҳрисабз шаҳри қадимий қисми ҳаёт фаолиятининг қулайроқ тартибига ёрдам беради.

- Шаҳар меъморий - тарихий қисмидан катта транспорт оқимини йўқотиш йўли билан эски шаҳар қисмининг транспорт таъминотини ҳал этиш, бу эса меъморий ёдгорликларнинг транспорт ҳаракати таъсиридан бузилишини сақлаш имконини беради.

- Доимий шамолларни ҳисобга олиб, ҳамда бу объектларда меъморий, санитар-ҳимояланиш зоналарини яратиш, юзага келган шаҳар саноат зонасида саноат корхоналари ривожини давом эттириш.

Умумий меъморий - лойиҳалаш ечими шимолий, шарқий ва жанубий йўналишларда шаҳар муҳитини ривожлантириш билан илгари ишлаб чиқилган бош планларнинг изчиллигига асосланган. Шу сабабли лойиҳага магистрал

кўчалар тузилиши бу ривожланишни ҳисобга олган ҳолда қўйилган. Натижада шаҳар бўйлаб қуйидаги тартибда тарқалган лойиҳалаш тузилмалари пайдо бўлади:

- биринчи тузилма шаҳар жануби - шарқий қисмида жойлашади ва турли объектларнинг конгломератини ташкил этади, болалар дам олиши, медицина, саноат корхоналари объектларидан бошлаб, шунингдек турар жой биноларини;

- иккинчи тузилма шимолдан Тарағай Баҳодир, шарқда ва жануби-шарқда С. Рахимов ва Ипак Йўли, ғарбдан халқаро аҳамиятдаги магистрал - Катта Ўзбек тракти (М-39) билан чегаралаанган. Бу тузилма Шерозий кўчасини меридионал икки ҳудудга ажратади - шарқий ва ғарбий. Шарқий, тарихий деб ном олган зонада, тарихий мерос объектлари, меъморчилик ёдгорликлари, савдо объектлари, маданий маиший хизмат кўрсатиш элементларига эга турар жойлар тўпланган. Бу тузилманинг ғарбий қисмида асосан турар жой бинолари жойлашади.

- учинчи ва тўртинчи тузилма ўз таркибига шаҳарнинг саноат зонасини, "Китоб" темир йўл станциясидан ташкил топган транспорт мажмуини, турар жой бинолари ва шаҳар шимоли - ғарбий қисми ва М-39 магистрали бўйлаб жойлашган маъмурий-хўжалик, маданий - маиший вазифадаги объектларни ўз ичига олади.

- бешинчи ва олтинчи тузилма муҳандислик инфратузилмаси, парклар, спорт марказлари ҳудудини киритган ҳолда турар жой (кам қаватли ва кўп қаватли) ва жамоат биноларидан ташкил топади. Улар шаҳарнинг марказий қисмида жойлашади ва шарқдан Айланма кўча (Г-50,0) ва ғарбдан Ипак Йўли (Г-45,0) кўчалари билан чегараланган. Улар орасида ғарбдан шарққа кенг йўналишда ўтувчи Ғ. Ғулом (Г-50,0) кўчаси чегара ҳисобланади. Олтинчи ва еттинчи тузилмалар орасида Низомий (Г-50,0) номли кўча жанубий чегара бўлиб хизмат қилади.

- еттинчи тузилма Низомий номли кўчадан жануби - шарққа томон жойлашади ва жанубга томон чеккадаги Лойиҳавий II-II (айланма) магистралгача (Г-42,0) ҳудудни қамраб олади. Бу тузилмада асосан, ўзининг маданий-маиший вазифа ва хизматдаги объектлари билан турар жой бинолари тўпланган. Ушбу тузилма

аҳолисининг ҳаёт фаолиятини яхшилаш учун лойиҳада бу районда маданий - маиший, савдо ва дам олиш объектларига эга умумшаҳар кичик маркази ишланади.

Бу тузилмада турар жой ва умумшаҳар қурилиши учун резерв ҳудудлар мўлжалланади.

- саккизинчи тузилма еттинчи тузилмадан шарққа томон жойлашади ва шимолдан Низомий номли кўча, шарқдан Лойиҳа III-III (Г-50,0) кўчаси, жанубдан Лойиҳа II-II (айланма) магистрал (Г-42,0) ва ғарбда Айланма (Г-50,0) кўчалар билан чегараланган ҳудудни камраб олади. Бу тузилма янги ва асосан индивидуал характердаги ҳисоб бўйича талаб этиладиган маданий-маиший вазифадаги объектлар билан таъминланган мавжуд биноларнинг бирлашувидан иборат. Унда шунингдек турар жой ва умумшаҳар қурилиши учун резерв ҳудудлар мўлжалланади.

- тўққизинчи тузилма Низомий номли кўчадан шимолга томон жойлашади ва мавжуд бўлган ҳамда янги кам қаватли биноларнинг турар жой массивидан иборат бўлади. Бу тузилма ғарбда Айланма кўча, шарқда Лойиҳа III-III, шимолда Ғ. Ғулом номли кўчалар билан чегараланган. Айланма ва Ғ. Ғулом номли кўча кесишув районида ва шу кўчалар бўйлаб янги умумшаҳар маркази шаклланади. Лойиҳада, бу районда Шаҳрисабз район ҳокимияти бошчилигида маъмурий - хўжалик муассасалари зонасини яратиш кўзда тутилади.

- ўнинчи тузилма Ғ. Ғулом номли кўчадан шимолга томон жойлашади ва шарқда Лойиҳа III-III, ғарбда Айланма, шимолда Лойиҳа I-I (-50,0) кўчалари билан чегараланган. Бу тузилма шарқдан ғарбга Гаравчашма ариғини икки ҳудудга ажратади. Бу ариқдан жанубга Ғ. Ғулом номли кўчага ўз ҳажмлари билан умумшаҳар марказини ҳосил қилган умумшаҳар ва район аҳамиятидаги объектлар жойлашади. Бу марказни ҳосил қилишда медицина мажмуасида ташкил қилинган медицина вазифасидаги объектлар иштирок этади, уларда даволаш муассасалари билан бир қаторда профилакториялар, қариялар меҳнат ветеранлари ва ногиронлар уйлари жойлашади.

- ўн биринчи турар жой тузилмаси Лойиҳа II-II кўчасидан шимолга томон жойлашган ва шимолда Китоб ва Шаҳрисабз районлари орасида районларaro чегара билан, ғарбда Шаҳрисабз шаҳрининг мавжуд чегараси билан янги ҳудуднинг кичик кесик жойи, шарқда Айланма кўча билан чегараланган. бу тузилма умумшаҳар вазифасидаги объектлардан, кундалик фойдаланиладиган маданий - маиший вазифасидаги элементларга эга бўлган хусусий турар жой биноларидан ташкил топган.

Магистрал кўчалар системаси билан деярли шаҳарнинг бутун ҳудуди қамраб олган. У транспорт ва пиёдаларни инобатга олган ҳолда жойлашади.

Мавжуд айланма магистрал (Айланма) шаҳарнинг асосий, марказий магистрали сифатида талқин қилинади ва келажакда унга янги ном бериш зарур. Мираки ва Китоб шаҳарлари томонга йўналувчи транспорт оқимини йўналтириш мақсадида шаҳарда жануби - шарқий айланма магистрал лойиҳаланади. У Катта Ўзбек тракти билан баробар Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларининг шарқий қисмига, уларнинг шимолда Китоб шаҳридан ўтгандан кейин бирлашиб кетишларига мўлжалланган ҳолда хизмат кўрсатади.

Шаҳарнинг марказий қисми, аниқроғи унинг маъмурий зонаси шаҳар тузилишида муҳим аҳамият касб этган илгариги айланма магистрал бўйлаб жойлашади ва янги марказ ҳамда спорт - парк маркази, зоопарк ва аква-паркли болалар парки каби кичик марказлари жойлашган асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари унинг атрофида ўқув объектлари жойлашган ва жойлаштириш мўлжалланади. Шаҳарнинг шарққа томон ривожланиш анъанасини ҳисобга олиб, лойиҳада марказ ривожини ўқини шу йўналишда давом эттириш белгиланмоқда. Шарқий йўналишда, шунингдек, турар жой ва умумшаҳар қурилиши резервлари кўзда тутилмоқда.

Шаҳар системасида, унинг муҳитида Чоршамба, Мўминобод каби ирригацион иншоотлар ва бошқа майда суғориш каналлари фаол қатнашади, улар базасида шаҳар аҳолисининг дам олиш жойлари яратилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, лойиҳада Танхоздарё дарёси оқимини йўлга қўйиш ечими белгиланади. Китоб шаҳри бош планида шу каби ечим Оксударё дарёси бўйича ҳам қабул қилинади. Улар бўйлаб дамба сифатида хизмат қилувчи йўллар қурилади ва қирғоқлар яратиш мўлжалланаяпти. Суғориш ариқлари бўйида сувни муҳофазалаш зоналари яратилади. Шаҳар ҳудудида кўплаб қабристонлар мавжуд, улар атрофида санитар - ҳимоя зоналарини яратиш талаб этилади. Лойиҳада бу қабристонларни ёпиш белгиланади ва бу зоналарни, уларда коммунал - склад объектларини, АЗС, СТО жойлаштириш учун фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш, улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, масалан, мевали боғлар, узумзорлар яратиш таклиф этилади.

Шаҳрисабз шаҳри ҳудуди келажакда ўз таркибига регионал сув чиқариш иншоотларини киритишини инобатга олиб, қабристонларни ёпиш қарорини тезлаштириш ва экологик ҳолатни лозим аражада сақлаш бўйича чораларни кучайтириш зарур. Бунда шаҳарда кўкаламзор экинлар ривожига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Шаҳарда парклар, хиёбонлар, транспорт магистралларни кўкаламзорлаштиришни яратиш - иссиқ иқлимда одамларнинг яшашини яхшилайти. Шаҳарда асосан, бир оилага 500 дан 600 квадрат метргача майдонли бир қаватли турар жой бинолари мўлжалланади. Майдон ҳудуди шаҳар меъёридан катта бўлган бирлашган қишлоқ посёлкаларида, лойиҳа бўйича бу ҳудудларни зичлаш таклиф этилади. Шунинг учун лойиҳада шу каби майдонлар билан икки қаватда жойлаштирилган квартираларга эга икки қаватли турар жой бинолари ривожини таклиф этилади. Ноиқтисодий ва ноқулайлиги туфайли икки қаватли секцияли бинолар ривожини лойиҳада кўзда тутилмаган, чунки иккинчи қаватда яшовчилар квартиралари олдидаги майдончадан шахсий мақсадларда фойдаланиш имкониятидан маҳрумдирлар. Бунинг устига иккинчи қаватга сувни чиқариш муаммоси ҳам мавжуд. Буларнинг ҳаммаси лойиҳада ҳовлили, икки қаватга жойлаштирилган квартираларга эга икки қаватли турар жой биноларини қўллашни тақозо қилади. Уйнинг бундай турини шаҳарнинг асосий магистраллари бўйида, уларни безатиш мақсадида жойлаштириш зарур.

Кўп қаватли турар жой бинолари (тўрт қават) чекланган миқдорда қўлланган ва олтинчи тузилмада кам қавтли бинолар бузилган жойида шаҳар марказининг аҳамиятини таъкидлаш мақсадида кўп қавтли бинолар кўзда тутиляпти, улар асосан кичик оилалар учун мўлжалланган.

Ҳар бир турар жой тузилмаси (маҳалла, микрарайон) аҳолига асосий ва даврий (вақти - вақти билан) хизмат кўрсатиш мажмуаси билан таъминланади. Ҳар бир тузилмада хизмат кўрсатиш меъёри ва унда яшайдиган аҳоли сонини инобатга олиб, мактаблар, болалар боғчалари, маҳалла гузарлари ва кичик хиёбон ёки паркларни яратиш кўзда тутилади.

Шаҳар муҳитида шаҳар меъморий - тарихий зонасига алоҳида аҳамият берилади. Лойиҳада, аввалги бош план билан мувофиқликда, унинг маркази орқали ўтадиган Ипак Йўли транспорт магистралини олиб ташлаш ва унинг негизида пиёдалар кўчасини яратиш кўзда тутилади. Бу зоналарда транспорт хизмати кўрсатиш бу ҳудудни айланиб ўтувчи магистраллар ёрдамида амалга оширилади, яъни бу зонага ўз периметри бўйлаб ўтадиган магистраллар орқали хизмат кўрсатилади ва улардан боши берк маршрутлар билан ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатиш амалга оширилади. Бу зоналар ўз хизмати билан бутун тарихий мажмуани қамраб олувчи сайёҳлик комплексини яратиш мўлжалланади. Бу ҳудудда тарихий жойларни "Узшаҳарсозлик ЛИТИ" институти тавсияларини инобатга олган ҳолда шарқ меъморчилиги ва яшаш муҳити руҳида ишлаб чиқиш мақсадида пиёда - транспорт системалари реконструкциясини ўтказиш зарур.

Сайёҳлик маршрутлари ўтадиган районларда тошли кўприклар яратиш ва турар жой бинолари деворларини бўяшда сарғиш қизил тусларни ишлатиш зарур. Қалъа деворини, кўтарма кўприкларни қалъа девори узунлиги бўйлаб чўзилган ҳандак ости стилизацияланган сув ҳавзасини тиклаш бўйича, ёдгорликлар атрофида муҳофаза зоналарини яратиш бўйича ишларни давом эттириш, шунингдек улар атрофида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш зарур.

2.2. Шаҳрисабз шаҳарсозлиги маъмурий бўлинишлари

XVIII-XIX асрларда Шаҳрисабз пахса девор билан ўралган бўлиб, олтига дарвозага эга бўлган:

Шимолий дарвоза - Китоб дарвоза ёки Арк дарвоза деб аталади. Биринчи ном ўз-ўзидан ушбу дарвоза орқали ўтган Китобга олиб борувчи йўл билан боғлиқ бўлса, иккинчи номи дарвозанинг Шаҳрисабз беки қўрғони ёнида жойлашганлиги билан боғлиқ.

Шарқий дарвоза - Қунчиқар дарвоза.

Ғарбий дарвоза - Қушхона ёки Чироқчи дарвозаси деб номланади. Ушбу дарвоза орқали Чироқчига олиб борувчи йўл мавжуд.

Жанубий дарвоза-Чармгар ёки Яккабоғ дарвоза.

Дарвозанинг яқинида Катта чармгар ва Кичик чармгар маҳаллалари жойлашган. Дарвозанинг биринчи номи ушбу маҳаллалар билан, иккинчи номи дарвоза орқали ўтган Яккабоғга борувчи йўл билан боғлиқ.

Бек қўрғони шаҳарнинг шимоли-шарқий бурчагига жойлашган. Халқ орасида у Шаҳрисабз Афросиёби номи билан машҳур бўлган. Қўрғон иккита дарвозага эга бўлиб, жанубий томондаги - Кўк дарвоза, шарқий томондаги иккинчи дарвоза - Тупхона дарвоза деб аталган. Қўрғон олдида шаҳарнинг асосий майдони - Регистон жойлашган.

Шаҳрисабзда бир нечта бозор мавжуд бўлиб, улардан асосийси шаҳар марказида жойлашган «Чорсу» бозори деб номланувчи ушбу бозор ҳозирда ҳам мавжуд. Шаҳарнинг дарвозаларига борувчи йўллар ушбу бозордан бошланган.

Шаҳардаги ушбу дарвозада еттига карвонсарой, иккита ҳаммом мавжуд бўлган. Шу ҳаммомлардан бири сўнгги давргача ишлаб келмоқда.

Аҳоли ҳаммомларининг вужудга келиши даврини бекликлар даври, яъни XVIII-XIX асрлар билан боғлайди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, анча илгари қурилган ва хатто Самарканд ва Бухородаги ҳаммомлардан олдин

бунёд қилинган. Шаҳрисабз ҳаммомлари бошқа жойларда ҳам ўзининг «даволовчи» хусусиятлари билан машҳур бўлиб, одамлар турли жойлардан бу ерга даво истаб келишган.

А.Л. Кун томонидан келтирилган маълумотларга қараганда шаҳар гузарларга бўлинган бўлиб, улар тўғрисида дастлабки маълумотларда Шаҳрисабзни 14 та гузарга бўлиниши тўғрисида ёзган. Адабиётларда унинг бу борадаги маълумотларига кейинги даврларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир катор аниқликлар киритилган. Жумладан, 1948 йилда Шаҳрисабзда этнографик тадқиқотлар олиб борган О.А Сухарева Шаҳрисабз 14 та эмас, 52 та гузарга бўлинганлигини таъкидлаган.

Бизнинг фикримизча О.А. Сухарева томонидан ёритилган бу гузарларнинг худуди шу даврдаги бошқа Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Бухоро шаҳарларидаги маҳаллалар худудларига яқин бўлгани учун биз буларни гузарлар эмас, балки маҳаллалар деб номлашга қарор қилдик. Юқорида кўрсатилган шаҳарларда ҳам маҳаллалар ўз гузарлари ва масдларига эга бўлган.

Маҳалла номлари ўз ўзидан шу ердаги халқ хунармандчилиги, жойлашган худуди, атоқли инсонлари ёки атоқли бинолари номларидан келиб чиққан.

Тарихий шаҳарсозлик бўлинмалари жадвали

Шаҳарсозлик Бўлинмалари		ШАХРИСАБЗ	ХИВА	ТОШКЕНТ	САМАРКАНД	БУХОРО	КУКОН	МАРГИЛОН
Кургон девордан ичкаридаги	Шаҳарлар- нинг йирик бўлинмалар	-	Мавзе - элот	Даха	Қитъа	Маҳалла ёки жариб	Даха	Даха
	Ўрта бўлинма- лари	-	-	Маркази гузар	-	-	-	Ўрам
	Майда бўлинма- лари	Гузар	Масжид- қавм	Маҳалла	Гузар	Гузар	Маҳалла	Маҳалла
Кургон девордан ташқаридаги	Шаҳарнинг атрофидаги бўлинмалар	-	Масжид- қавм (Мавзе- элот таркибида)	Мавзе	Богот	Аниқ номи йўқ	Аниқ номи йўқ	Аниқ номи йўқ



Шаҳрисабз шаҳрининг XVIII-XIX асрлардаги маҳаллалари жойлашуви ва уларнинг номлари. 1. Кичик чуйтон; 2. Алла бозор; 3. Катта чуйтон; 4. Эшон; 5. Сувори; 6. Эшон; 7. Молик Аждар; 8. Китоб; 9. Исобек; 10. Мардухон; 11. Култена; 12. Зингарак; 13. Хўжа; 14. Хўжа Мирхамид; 15. Карапул; 16. Болаховуз; 17. Хонақо; 18. Кўкнорхона; 19. Каттакон; 20. Чўбин; 21. Эшонпир; 22. Телпақдўз; 23. Файзобод; 24. Ҳазрат Шайх; 25. Ховуз Мардон; 26. Мардошан; 27. Ҳазрати Имом; 28. Раис Хўжа; 29. Аловиддин; 30. Сани Ахур; 31. Дегриз; 32. Қўшховуз; 33. Ўзбек; 34. Чақир; 35. Симхона; 36. Жувакак; 37. Мишидар; 38. Чармгарлик; 39. Кичик чармгарлик; 40. Қуллолик; 41. Қундузак; 42. Хабарлик; 43. Хасанлик; 44. Наматмон; 45. Покхол; 46. Қулхобда-бока; 47. Арабан; 48. Дойи Жалоб; 49. Оға Бугай; 50. Тепалик; 51. Асаб жалоб; 52. Дуи қишлоқ; 53. Нукус; 54. Уйчилик; 55. Кунчиқар.

2 - боб бўйича хулоса

Шаҳрисабз шаҳрининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги функционал-тархй тизими бир-бирлари билан боғлиқ бўлган кўрғон деворлар, кўчалар, ариқлардан ташкил топган.

Тарихий шаҳарларда қадимги деворлар ўрнида халқа кўчалар пайдо бўлишини назарда тутган ҳолда деворлари сақланмаган.

Шаҳар гузарларга бўлинган. Уларнинг сони 1948 йилда 52 та бўлган. Ҳар бир гузарда 24 тадан 200 гача хонадонлар бўлган. Гузарлар ўз марказларига эга бўлган.

Лойиҳада эски шаҳар қисмини реконструкциялашда очиқ осмон остида этнографик музей - кўрикхона яратиш бўйича чет давлатлар тажрибасини қўллаш таклиф этилади, унда ўтмиш давр турар жой намуналари бир ҳудудда йиғилган бўларди.

Қўйилган бу вазифаларни ҳақиқий бош план чегарасида ҳал этиш Шаҳрисабз шаҳрини дунё миқёсидаги сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Шаҳар маркази, шарқий йўналишда шаҳарнинг умумий ривож билан мувофиқликда, турар жой тузилмалар ўсишига паралел равишда ривожланади.

Унинг композицион тузилиши шаҳар муҳитининг лойиҳалаш тузилишида хизмат кўрсатувчи умумшаҳар магистраллари структурасига асосланган.

Шаҳрисабз шаҳрини тарихий ва замонавий шаҳар сифатида аҳамиятини инобатга олиб, лойиҳада унинг шаҳар маркази икки фокусли қурилмаси қабул қилинган.

Меъморий ёдгорликлар ва оддий умумшаҳар объектлари билан тўлган, фокуслардан биринчи ташкил қилувчи тарихий зонадан, ушбу лойиҳада фақат сайёҳлик мақсадлари учун ва шу районда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатиш учун фойдаланиш таклиф этилади.

Эски шаҳар қисмида савдо ва умумий овқатланиш объектларининг "тўхтатиб қўйилиши" назарда тутилади. Бундан ташқари, шаҳарнинг учинчи чекка - саноат районида қулайроқ бозор қурилиши туфайли хизмат кўрсатишнинг бу турининг баъзи қисқартирилувини назарда тутиб, тарихий зонада халқ ижоди ривожлантирилади. Лойиҳада, фаолият кўрсатиб турган бозор районида ҳунармандчилик қаторларининг яратилиши белгиланган, бозор майдониини эса қисқартирилиши кўзда тутилади.

3 – БОБ. ШАХРИСАБЗ ШАҲРИ ТАРИХИЙ МАРКАЗЛАРИ

Шахрисабз шаҳрининг тарихий марказлари ўзига хос хусусиятларга эга. Қуйида шаҳарсозлик нуқтаи назаридан марказларнинг жойлашуви, маъмурий-бошқарув, савдо, диний-маърифий бўлган анъаналари, уларнинг бадиий-композицион томонлари тўғрисида гапирилади. Бу марказларнинг бошқа шаҳарлардагилари билан таққослаган ҳолда уларнинг ўзига хосликлари кўрсатиб берилади.

Хоразм шаҳарлари марказларини таҳлил қилишда Хива шаҳри марказларига алоҳида урғу берилиши, бошқа шаҳарлардагилар билан таққосланиши лозим.

Шахрисабз шаҳрининг йирик марказларини 3 турга бўлиб ўрганамиз. Булар:

1. маъмурий-бошқарув иншоотлари; 2. савдо - ҳунармандлик марказлари: 3. диний -мафкуравий марказлар:

3.1. Шаҳар жамоат марказларининг ўзига хосликлари

Маъмурий бошқарув маркази:

Оқсаройдан олдин, XI-XII асрларда кўриниши жиҳатидан унга ўхшаш Термизшоҳлар саройи қурилган. Салжуқийлар ҳукмронлиги даврида, XI асрда қурилган Шаҳриаркдаги ҳукмдор саройи тарҳи ҳам Оқсаройга тимсол бўлган (31).(32).

Оқсарой, сўзсиз, сиёсий маъмурий ва мафкуравий ҳокимият жамланган саройлар қаторига кирган. Сарой айна хизмат вазифаси туфайли шаҳар ичида жойлашган. Саройнинг ташқи кўриниши улуғвор бўлибгина қолмай, балки ички безаклари ҳашмадор бўлган. Кириш пештоқининг, ҳовли саҳни тўшамасининг меъморий қолдиқларига кўра,Оқсарой бутун Марказий ва Яқин Шарқда тенги йўқ қаср бўлган. Сарой ҳажми ҳамда ҳашамати билан замондошлар ақлини лол қолдирган.

Саройнинг бунёд этилишида Амир Темур муҳим роль ўйнаган, у қурилажак бино ўз куч - қудрати ва ҳокимиятини намоиш этишни ният қилган. Зеро, бош

пештоқ устунӣ ён деворига: "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!", деб йирик ҳарфлар билан бежиз ёзиб қўйилмаган.

Савдо-хунармандлик марказлари: Шаҳрисабзда 7 та карвонсарой ҳам мавжуд эди. Сақланиб қолганлари ичида XVI асрда барпо этилган Коба карвонсаройи ўзининг йириклиги ва ҳашамати билан ажралиб туради. Бу ерда ҳозирги пайтда шаҳар ўлкашунослик музейи жойлашган.

Коба карвонсаройи (XVI асрлар): Мазкур объект 2001 йилда ЮНЕСКОнинг "Умуминсоният мероси" китоби рўхсатида киритилган. Карвонсарой шаҳар бозори яқинида Ипак йўлида жойлашган бўлиб, темурийлар даврида қайтадан тиклаган ҳалқаро савдо масалаларини ёрқин ифода этувчи маданий ёдгорлик ҳисобланади.

Коба карвонсаройи Марказий Осиёдаги жамоат меъморлигида алоҳида ўрин тутди (38). Г.А.Пугаченкова қайд этганидек, карвонсарой меъморлиги ва тархӣ мужассамотида мўғуллардан аввалги даврлардаёқ ишлаб чиқилган эски ҳажмӣ-тархӣ ечимларга риоя қилинган (39). Карвонсаройлар асосини кесик тўғри тўртбурчак ҳосил қилади.

Коба карвонсаройи XVI асрдаги бу тоифа меъморликнинг ягона ёдгорлигидир. Шаҳардаги бошқа карвонсаройлар сақланиб қолмаган.

XVI асрда барпо этилган Кобанинг меъморӣ қиёфаси, Самарқанд ва Бухорадаги шу каби иншоотлардан фарқ қилгани ҳолда, бирмунча сипо. Кириш пештоқи анъанавӣ равишда Шаҳрисабз эски шаҳар қисмида тарихан юзага келган катта йўлга қараган. Ҳовлиси кесик бурчакли квадрат шаклга яқин. Ҳужралари учли гумбазлар билан ёпилган.

Туб аҳолининг оғиздан-оғизга ўтиб келаётган гапларига қараганда, бу карвонсаройда ўз вақтида турли мамлакатлар, шу жумладан Ҳиндистондан келган савдогарлар ҳам қўниб ўтишган.

"Коба" номининг келиб чиқиши бир тахминда бу "Қубба" сўзининг маҳаллий аҳоли типигади талаффузи дейилса, бошқасида гўёки уни арабларнинг Куфа шаҳридан келган усталар қурганлиги учун "Куфа" сўзининг бузилган шакли дейилади.

Ёдгорлик ўрта асрлардаги анъанавий меъморчилик услубида қўрилган бўлса-да, ўз вақтидаги бошқа шаҳарлардаги карвон саройлардан жойлашуви ҳамда меъморчилик ечимлари билан яққол фарқ қилади.

Аслида карвонсарой темурийлар давридаги савдо муносабатлари натижасида барпо этилган бўлиб, Ироқнинг Куфа шаҳридаги савдогарлар томонидан барпо этилган ва асосан унда Яқин Шарқ мамлакатларидан келган савдогарлар яшаб, Ўрта Осиё хусусан Шаҳрисабз аҳли орасида савдо муносабатларини тиклаган.

Кейинчалик туркий транскрипция асосида Коба терминига айланган. Меъморчилик ёдгорлиги капитал таъмирталаб. Таъмирлаш натижасида халқаро ва маҳаллий туризм объекти (масалан, миллий таомлар ресторани, мақом концерти майдони ва миллий либослар уйи) сифатида фуқционал аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Чорсу (XVI аср): Мазкур объект 2001 йилда ЮНЕСКОнинг “Умуминсоният мероси” китоби руйхатига киритилган. Чорсу савдо гумбази темурийлар даврига мансуб ажойиб савдо мажмуаси ҳисобланади. Ёдгорлик тарихий шаҳарнинг марказидаги кўчалар чорраҳада жойлашган бўлиб, у шаҳарнинг тарихий меъморчилик тузилмасидаги асосий объектдир.

Ёдгорлик таъмирга мухтож бўлиб, шаҳарнинг асосий транспорт тармоғи ёнида жойлашгани учун жиддий зарар кўрган.


Ёдгорлик шаҳарнинг Ипак йўли кўчасидаги асосий туристик маршрутида жойлашгани туфайли таъмирлаш зарур ва у келажакда асосий туристик объект сифатида хизмат қилади.

Чорсу Шаҳрисабз марказида, шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга олиб боровчи йўллар чорраҳасида, ўқларга мутаносиб жойлашган, умумий ўлчами 21x21 м ли бир марказли бино бўлиб, олдинга туртиб чиққан тўрт пештоқи, гумбаз остидаги марказий залга олиб кирувчи равоқлари бор. Зал тарҳи кесик бурчакли квадрат, залга нисбатан диагональ жойлашган ўтиш йўлларида бурчаклардаги хоналарга кирилади.

Марказий зал усти чарҳи гумбазли. Гумбаз зал бурчакларида паст жойлашган равоқ бағаллари устидан бошланган. Хоналарда қалқонсимон бағаллар "арчасимон" қўйилган.

XV асрда қурилган Шаҳрисабз Чорсуи Бухоро, Самарқанддаги Чорсулар такрори эмас. У бундай бинолар типологиясини сақлаган ҳолда алоҳида ечимга эга (37).

Шаҳрисабзда бир нечта бозор мавжуд бўлиб, улардан асосийси шаҳар марказида жойлашган «Чорсу» бозори деб номланувчи ушбу бозор ҳозирда ҳам мавжуд. Шаҳарнинг дарвозаларига боровчи йўллар ушбу бозордан бошланган.



Диний мафкуравий марказлар: Шахрисабзнинг жамоа - диний зонаси - шаҳарнинг жануби - шарқий қисмида XIV-XV асрларда йирик мақбара комплекслари бунёд этилган. Улардан энг машҳурлари "Дор ус- сиёдат" ва "Дор ут- тиловат" – Амир Темур ўзи ва авлодлари учун қурдирган масжид, мадраса ва мақбаралар мажмуаси мавжуд.

Дорус–Саодат мажмуаси

Мажмуа Шахрисабз шаҳри Ховузмардон куча 39 уйда жойлашган булиб, ушбу мажмуанинг консервация килинган асоси билан биргаликда куйидаги ёдгорликлар сақланиб қолган.

XVI асрнинг 2-ярмида Абдуллахон II нинг қилган ҳужумларидан бирида иморат вайрон бўлган. Дор ус-саодат мажмуаси вужудга келишига Жаҳонгир мақбараси асос бўлган. Жаҳонгир мақбараси қурилатган вақтда тахмон ва гумбазнинг дастлабки кўриниш тузилиши ички томондан ганчли муқарнас безак билан бекитилиб қўйилган эди, унинг қолдиқлари ханузгача сақланиб қолинган. Бу ёдгорлик Ўрта Осиёда ягона, яъни тўрт гумбазли мақбара бўлган. Ҳозирги вақтгача эса мана шу тўртта гумбаздан фақат учтаси сақланиб қолган, ичи ганчли гумбаз эса вақт ўтиши билан бузилиб кетган. Ички гумбаз қанослари остида зангори бўёқ билан: "Доно эзгу ният билан ҳаракат қилади,нодон эзгу ният билан кутиб туради" деган ҳикматли ўғитлар битилган.

Мақбара жанубий деворининг ҳаддан ташқари қалинлиги ва шимоли-ғарбий бурчакда мустаҳкам думалоқ минора мавжудлиги эътиборни тортади,гўё умумий ҳажмий ечимдаги мутаносиблик бузилгандай туюлади. Бу ҳолат Б.Н.Засипкин томонидан қайд этилган (34).

I. Жаҳонгир мақбараси.

II. Амир Темур ер ости даҳмаси.

III. Хазрати Имом масчиди.

Мажмунинг асосий кисми 1380-1404 йилларда Амир Темур томонидан теурийлар хилхонаси сифатида бунёд этилган. Мажмуадаги хазрати Имом масчиди Бухоро хони Абдуллахон томонидан курдирилган.

Мажмуа хозирги кунда жуда таъмир талаб ҳолатда. Жахонгир мақбараси шимолий-шарк бурчагида сезиларли даражада чукиш давом этмокда. бунинг тезда чорасини куриш ва мустахкамлаш зарур. Мажмуада тулик таъмирлаш, консервация килиш ва ободонлаштириш ишларини бажариш зарур.



Дорус–Саодат мажмуаси умумий кўриниши.



Жахонгир Мирзо мақбараси шаркий девори кисми ҳолати.



Мақбара ташки девор кисми ҳолати.

Дорут – Тиловат мажмуаси

Мажмуа Шахрисабз шаҳри Ипак йули кучаси 89-уйда жойлашган бўлиб, ушбу мажмуада:

I. Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси

II. Гумбази Сайидон мақбараси

III. Кук гумбаз масчиди.

IV. 1910 йилларда қурилган хужралар мавжуд.

I.1. Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси 1374 йилда Амир Темур томонидан барпо қилинган. Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темур отасининг яъни Мухаммад Тарагай Баходирнинг пири бўлган. Шайх Шамсиддин Кулол 1373 йилда вафот этган. Шайх вафотидан кейин Темурнинг отаси чуқур қайгуга тушиб углига васият қиладики: «Мени вафотимдан кейин жасадимни уз устозим пойи қадамида қуйдир» деб 1373 йилда Мухаммад Тарагай Баходир ҳам вафот этади. Темур отасининг васиятини бажо келтириш учун отасининг жасадини Шайх Шамсиддин Кулолнинг пойи қадамида дафн этади.

I.2. Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси ҳозирги кунга келиб таъмир талаб ахволга келиб қолган. Мақбара ташки ва ички интерьерлари безакларини таъмирлаш зарур.

II.1. Гумбази Сайидон мақбараси 1437 йилда Амир Темурнинг набираси Мирзо Улугбек томонидан қурилган. Мақбара ичида XV-XVII асрларга оид бир неча қабр тошлари бор. Бу қабр тошлари Термизлик Сайидларга оид бўлиб, биридан ката кичик ҳолда жойлаштириб қуйилган.

Ҳозирги кунда Гумбази Сайидон мақбарасини ички ва ташки нақш безаклари таъмир талаб ҳолатга келиб қолган. Биринчи навбатда таъмирлаш ишларини бажариш лозим.

III.1. Кук гумбаз масчиди 1435 йилда Мирзо Улугбек томонидан қурдирилган. Одатда жомъе масчидлари комплекс қурилишлардан иборат бўлиб, атрофи девор билан уралган, уртага қурилган гумбазли бинолар ва

атрофидаги равокли айвонларни уз ичига олган. Кук гумбаз масчиди Мирзо Улугбек даврида Урта Осиёда курилган энг катта масчидлардан бири булган.

Кук гумбаз масчиди хозирги кунда таъмир холатга келиб колган. Масчид пешток, гумбаз плиткалари барабан ва шарафа накш плиткалари, айвон томи ва ички интерьерларини кайта таъмирлаш ишларини бажариш зарур.

IV.1. Мажмуа хужралари 1910 йилларда курилган. Ушбу хужралар мадраса дарсхоналари булган.

Ушбу хужралар хозирги кунда таъмир талаб ахволга келиб колган. Хужраларни ички ва ташки деворларини хамда гумбазларини таъмирлаш зарур.

V.I Арслонхон масчиди колдигини консервация килиш.

VI.I Мажмуа ховлиси ва атрофини таъмирлаш ва ободонлаштириш.

Мажмуани таъмирлаш ва ободонлаштиришга 1500 млн. сум атрофида маблаг зарур.



Кук гумбаз масчидининг олд кўриниши.



Шамсиддин Кулол ва Гумбази Саидон мақбараларининг шарқ томондан кўриниши




Гумбази Саидон мақбарасининг гумбаз емирилиб кетган ва кучган жойлари кўриниши ҳолати




*Шамсиддин Кулол ва Гумбази Саидон мақбараларининг олд кўриниши
ҳолати*



Гумбази Саидон мақбарасининг жануб томондан кўриниши ҳолати



*Гумбази Саидон мақбарасининг ички интерьер безакларининг нақишлари
емирилиши кўриниши*



Гумбази Саидон мақбарасининг ички интерьер гумбаз нақишлари емирилиши



Гумбази Саидон мақбарасининг ташики кўриниши ҳолати



Шамсиддин Кулол ва Гумбази Саидон мақбараларининг кенг кўриниши



Шамсиддин Кулол ва Гумбази Саидон мақбараларининг шарк томондан кўриниши



Кук гумбаз масчидини шимол томондан кўриниши



Кук гумбаз жануб томондан кўриниши



Мақбара ва масҷид ташки кўриниши ҳолати



Маҷмуа хужралари олд кўриниши ҳолати



Жаҳонгир Мирзо мақбарасининг шимол томонидан кўриниши



*Жаҳонгир Мирзо мақбарасининг ғарб томонидан кўриниши
ҳолати*

Абдишукур Оғолик мадрасаси


Абдишукур Оғолик мадрасаси Шахрисабз шаҳрининг Ипак йули кучасида Коба карвонсаройи рупарасида жойлашган.

Абдишукур Оғолик масчиди 1900-1910 йилларда Абдишукур деган бир бой томонидан қурилган. Ушбу мадраса мажмуа сифатида қурилган бўлиб, гумбазли хонақо олд ва ён тарафлари нақшинкор уйма устунлар билан уралган. Айвон жануб ва шимол томонидан хужралар бўлган. Ҳозирги кунда шимол томон хужралари сақланиб қолган.

Абдишукур Оғолик масчиди ҳозирги кунда ёдгорликда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари тезда бошлаш зарур.



Масчид олд кўриниши



Масҷид айвон кўриниши ҳолати.



Мадраса ҳужралари кўриниши



Мадраса ҳужраларининг кўриниши ҳолати

Молик Аштар мажмуаси

Молик Аштар мажмуаси Шахрисабз шаҳрининг Молик Аштар кучаси 6 уйда жойлашган. Мажмуа Шахрисабз шаҳрининг тарихий марказида жойлашган.

Мажмуанинг сақланиб қолган ёзув қолдиқлари бўйича 1910 йилда қурилган. 1917 йилга қадар Молик Аштар маҳалла масҷиди ва ён ҳужралари мадраса сифатида фаолият қурсатган. 1917 йилдан сунг масҷид ва ҳужралар ҳарбий комиссариатга топширилган сунгра қишлоқ ҳужалик техникуми бўлиб фаолият қурсатган. Мустақиллигимизнинг шарофати билан ҳозирги кунда келиб яна маҳаллий масҷидига айланди .

Куп талофатларни бошидан кечирган бу мажмуа ҳозирги кунда келиб анча таъмир талаб ахволга келиб қолган. Хонако ички деворлари, хужралар, айвон устун ва вассалари томларини қайта таъмирлаш зарур.




Молик Аштар масчиди олд кўриниши



Масчид айвон кўриниши ҳолати



Масҷид гумбази кўриниши



Мажмуага ғарб томондан кириш дарвозахона ҳолати

Чубин меъморий мажмуи шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида, Чубин маҳалласида жойлашган. Чубин кўпроқ жой номи билан боғлиқ бўлиб, у ерда ўтмишда, эҳтимол, ёғочга ишлов берувчи ҳунармандлар маҳалласи жойлашган бўлиши мумкин. Ёдгорлик функционал жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўғинлар - масжид биноси, хужралар, дарвозахона ва ҳовлидан таркиб топган мажмуадир(40).

Иншоат мужассамотининг маркази квадрат тарҳли, усти гумбаз зал. Ғарб-шарқ ўқида меҳроб вазифасини бажарувчи ва ички бўшлиқни бўрттириб турувчи ярим саккиз қиррали тахмон жойлашган. Шу ўқнинг ўзида шарққа қараб

масжиднинг ярим саккиз қиррали пештоқ тахмони тарзида ишланган кириш йўли жойлашган. Шимол-жануб ўқида унча баланд бўлмаган гумбазли икки зал жойлашган. Бу заллар асосий зал билан ташқи тарзга пештоқли кириш йўли билан қараган ўтиш жойи орқали боғланган.

3.2. Маҳалла марказлари ва уларга таклифлар

А.Л. Кун томонидан келтирилган маълумотларга қараганда шаҳар гузарларга бўлинган бўлиб, улар тўғрисида дастлабки маълумотларда Шаҳрисабзни 14 та гузарга бўлиниши тўғрисида ёзган. Адабиётларда унинг бу борадаги маълумотларига кейинги даврларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир қатор аниқликлар киритилган. Жумладан, 1948 йилда Шаҳрисабзда этнографик тадқиқотлар олиб борган О.А Сухарева Шаҳрисабз 14 та эмас, 52 та гузарга бўлинганлигини таъкидлаган.

Бизнинг фикримизча О.А Сухарева томонидан ёритилган бу гузарларнинг худуди шу даврдаги бошқа Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Бухоро шаҳарларидаги маҳаллалар, Хивадаги элотлар худудларига яқин бўлгани учун биз буларни гузарлар эмас, балки маҳаллалар деб номлашга қарор қилдик. Юқорида кўрсатилган шаҳарларда ҳам маҳаллалар ўз гузарлари ва масжид ва мадрасаларига эга бўлган.

Маҳалла номлари ўз ўзидан шу ердаги халқ хунармандчилиги, жойлашган худуди, атоқли инсонлари ёки атоқли бинолари номларидан келиб чиққан. Масалан: Гумбази Сейдон мақбараси, Шамсиддин кулол мақбараси, Арслонхон хонақоси, Мирхамид хонақоси, Молик аждар масжиди, Коба мадрасаси, Чубин мадрасаси, Кунчиқар масжиди. Бу ёдгорликлар 1975-1996 йиллар давомида таъмирланган ва мослаштирилган.

Маҳалла марказлари маҳллий аҳолининг йиғиладиган масжидлари ҳисобланган.

Энг кичик маҳалла “Эшон” маҳалласи бўлиб 20 тача хонадондан иборат.
Энг катта маҳалласи эса “Хасанлик” маҳалласи бўлиб 200 дан ортиқ хонадонга
эга бўлган.



Шаҳрисабз шаҳрининг XVIII-XIX асрлардаги маҳаллалари жойлашуви ва уларнинг номлари. 1. Кичик чуйтон; 2. Алла бозор; 3. Катта чуйтон; 4. Эшон; 5. Сувори; 6. Эшон; 7. Молик Аждар; 8. Китоб; 9. Исобек; 10. Мардухон; 11. Култена; 12. Зингарак; 13. Хўжа; 14. Хўжа Мирхамид; 15. Карапул; 16. Болаховуз; 17. Ҳонақо; 18. Кўкнорхона; 19. Каттакон; 20. Чўбин; 21. Эшонпир; 22. Телпакдўз; 23. Файзобод; 24. Ҳазрат Шайх; 25. Ховуз Мардон; 26. Мардошан; 27. Ҳазрати Имом; 28. Раис Хўжа; 29. Аловиддин; 30. Сани Ахур; 31. Дегриз; 32. Қўшховуз; 33. Ўзбек; 34. Чақир; 35. Симхона; 36. Жуватак; 37. Мишидар; 38. Чармгарлик; 39. Кичик чармгарлик; 40. Куллоллик; 41. Кундузак; 42. Хабарлик; 43. Хасанлик; 44. Наматмон; 45. Покхол; 46. Кулхобда-бока; 47. Арабан; 48. Дойи Жалоб; 49. Оға Бугай; 50. Тепалик; 51. Асби жаллоб; 52. Дўнг қишлоқ; 53. Нукус; 54. Уйчилик; 55. Кунчиқар.

ХУЛОСА

Қашқадарё вилояти меъморчилиги Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари сингари кўп минг йиллик тарихга эга. Буни вилоят ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ёдгорликларидан бемалол ўрганиш мумкин.

Шаҳарсозлик юксак даражада ривожланган. Вилоят ҳудудида шаҳар маданияти анъаналари бир текисда ривожланган йирик аҳоли пунктлари ҳамда кўплаб қишлоқлар вужудга келган. Қашқадарё воҳаси шаҳарлари Ўрта Осиёнинг муҳим савдо йўлларидаги марказлар вазифасини ўтаган.

Шаҳрисабз меъморлигининг маҳаллий хусусиятлари, айниқса, мадрасалар қурилишида яққол намоён бўлади.

XVIII - XX аср бошларида Бухоро хонлигининг иккинчи йирик шаҳри бўлган, пойтахт меъморлик мактабининг кучли таъсири остида ривожланган.

Бу шаҳарлар санъат ва ҳунармандчиликнинг йирик марказлари билан доимий маданий алоқада бўлган турли таъсирларни ўзига сингдирилган янги ғояларни ўзлаштирган.

Шахрисабз шаҳрининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги функционал-тархӣй тизими бир-бирлари билан боғлиқ бўлган кўрғон деворлар, кўчалар, турли марказлари ва гузар (маҳалла)лардан ташкил топган.

Тарихий шаҳарларда қадимги деворлар ўрнида халқа кўчалар пайдо бўлишини назарда тутган ҳолда деворлари сақланмаган.

Шаҳар гузарларга бўлинган. Уларнинг сони 1948 йилда 52 та бўлган. Ҳар бир гузарда 24 тадан 200 гача хонадонлар бўлган. Гузарлар ўз марказларига эга бўлган.

Лойиҳада эски шаҳар қисмини реконструкциялашда очиқ осмон остида этнографик музей - кўриқхона яратиш бўйича чет давлатлар тажрибасини қўллаш таклиф этилади, унда ўтмиш давр турар жой намуналари бир ҳудудда йиғилган бўларди.

Қўйилган бу вазифаларни ҳақиқий бош план чегарасида ҳал этиш Шахрисабз шаҳрини дунё миқёсидаги сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Шаҳар маркази, шарқий йўналишда шаҳарнинг умумий ривожини билан мувофиқликда, турар жой тузилмалар ўсишига параллел равишда ривожланади. Унинг композицион тузилиши шаҳар муҳитининг лойиҳалаш тузилишида хизмат кўрсатувчи умумшаҳар магистраллари структурасига асосланган.

Шахрисабз шаҳрини тарихий ва замонавий шаҳар сифатида аҳамиятини инобатга олиб, лойиҳада унинг шаҳар маркази икки фокусли қурилмаси қабул қилинган.

Маҳалла номлари ўз ўзидан шу ердаги халқ хунармандчилиги, жойлашган ҳудуди, атоқли инсонлари ёки атоқли бинолари номларидан келиб чиққан. Масалан: Гумбази Сайидон мақбараси, Шамсиддин кулол мақбараси, Арслонхон хонақоси, Мирхамид хонақоси, Молик аждар масжиди, Коба мадрасаси, Чубин мадрасаси, Кунчиқар масжиди. Бу ёдгорликлар 1975-1996 йиллар давомида таъмирланган ва мослаштирилган.

Маҳалла марказлари маҳаллий аҳолининг йиғиладиган масжидлари ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 129 бет.
2. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 том. Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2007 й.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент., "Маънавият" 2008.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тараққиёт йўлида. VI том Тошкент, 2001.
7. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент., 2006.
8. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XIV-XVIII вв. Писменные памятники. Ташкент., "Фан".
9. Амир Темур жаҳон тарихида. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент., 2006 й.
10. Ахмедов М. Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Тошкент.: Ўзбекистон, 1995.
11. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент., 1996.
12. Археология Средней Азии. Сборник научнх трудов. № 533. Т. 1977.
13. Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. т. II, часть 2. М., 1964.
14. Бартольд В. В.Соч. Т., 8, М., 1973.
15. Бетгер Е.К. Извлечение из книги "Пути и страны" Абул Касыма ибн Хаукаля // Тр. САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV.
16. Бакирхонов Ф.Ф. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси-шаҳарсозликни ривожлантиришнинг қонуний асосидир. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши, № 1, 2002.
17. Бабур Захириддин. Бобурнаме. Ташкент., 1958. 108 с.
18. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. М. 1951.
19. Дмитриев В.М. Вопросы использования архитектуры узбекского народного жилища в современной практике.Ташкент, Издательство "Фан" 1980.
20. Жуков В. Д. Остатки монументального сооружения XIV в. Т., 1949.
21. Жуков В. Д. Остатки монументального сооружения XIV в. Т.,1949.

22. Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. М., 1928.
23. Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент., "Юлдузча", 1989.
24. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Тошкент 1996.
25. Каримов Ш. Соғлиқни сақлаш. "Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси". Тошкент., 1997.
26. Кайковус. Қобуснома. Тошкент., 1973.
27. Кадырова Т.Ф. Историко-теоретическое исследование проблем архитектуры Узбекистана (XX - начало XXI вв). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. докт. архит.-Ташкент. 2008.
28. Кадырова Т.Ф. "Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-нач. XXI вв. (традиции и современность)", Тошкент. 2007.
29. Қодирова Т. Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги. Тошкент "ЎАЖБНТ" Маркази - 2004.
30. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг замонавий меморчилиги. Ўқув қўлланма. Тошкент., 1995.
31. Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средне вековья (III-VII вв.) Издательство "Фан" Тошкент. 1977.
32. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. Москва, Стройиздат, 1987. 319 с.
33. Латипов Д.В. Проблемы развития градостроительства Республики Узбекистан в условиях формирования рыночных отношений. Архитектура и строительство Узбекистана, № 2-3, 2000.
34. Лунина С.Б. Города южного Согда в VIII-XII вв. Ташкент, Издательство "Фан" 1984.
35. Массон М. Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ(КАТЭ) по изучению восточной половины Кашкадарьинской области. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов №533. Т, 1977. С. 29-30.
36. Массон М. Е. Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбеке // Труды САГУ. Новая серия, вып. XLIX. Гуманитарные науки 6. Археология Средней Азии. П. Ташкент, 1953.
37. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбеке // Труды САГУ. Новая серия, вып. XLIX. Гуманитарные науки 6. Археология Средней Азии. П. Ташкент, 1953.

38. Массон М. Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека . Труды САГУ. Т., 1953.
39. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966) Издательство "Фан", Ташкент., 1973.
40. Манковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. Ташкент., 1971. С. 41.
41. Манковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- нач. XX в.) Т., 1980.
42. Мавлянов У.М. Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVIII - XIX вв. Дис.Канд.ист. Наук. Тошкент, 1994.
43. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996.
44. Нозилов Д. А. Архитектура горных районов Узбекистана. Тошкент "Фан" 1984.
45. Нозилов Д. А. Зодчество горных районов Средней Азии. Автореф. дисс. на соискание учёной степени доктора архитектуры М.,1991.
46. Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. Тошкент, 1982.
47. Очилов И., Рахмонов Р. Қашқадарё, Kashкадагу, Кашкадарья. Фотоальбом. Тошкент. "Ўзбекистон нашриёти", "Ўзбек-Ремакса Ко ЛТД", 1994 й.
48. Пўлатов Х. Ш. архитектурно - планировочная структура традиционного жилища Ташкента (конец XIX-нач.XXв.) Ташкент 1994. Автореферат диссертации на соискание учёной степени канд. Архитектуры.
49. Пугаченкова Г.А. Города и Караван-сарай на трассах Великого шелкового пути. Ургенч, 1991.
50. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. М. 1966.
51. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты. Ташкент.: 1976.
52. Пугаченкова Г.А. Шедевры средней Азии. Ташкент., Издательство литературы и искусства имени Гафур Гуляма. 1986.
53. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, 1995.
54. Ртвеладзе Э.В., Сулаймонов Р., Буряков Ю. Қарши - 2700. Китоб-альбом. Тошкент. "Маънавият" 2006 й.
55. Ртвеладзе Э., Сулаймонов Р., Буряков Ю. Қарши-2700. Китоб-альбом. Т. "Маънавият" 2006.

56. Ртвеладзе Э, Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. Ташкент, "Узбекистон" 1986.
57. Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура (1403-1406). М., 1990.
58. Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Темура. СПб., 1981.
59. Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. (Историко-этнографические очерки). Ташкент., 1958. С.130.
60. Сулаймонов Р. Нахшаб унутилган тамаддун сирлари. Тошкент, "Маънавият" 2004.
61. Союз Архитекторов. Формирование архитектурных ансамблей в современном городе. М. 1973г.
62. Усмонов З.И. Археологические изучение Шахрисабза // Шахрисабз. Часть I. Ташкент, 1993.
63. Уралов А., Нозилов Д., Тўрақулов Ш. Қишлоқ уйлари. Тошкент, "Меҳнат" нашриёти 1988.
64. Убайдуллаев Ҳ.М. Инағомова М.М. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари. "Ворис-нашриёт". Тошкент-2000.
65. Череванский Владимир. Амир Темура. Тошкент., "Ёзувчи" нашриёти. 1993.
66. Шахрисабз 2700. Минг йиллар мероси. "Шарқ" нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2002. 51бет.
67. Шахрисабз 2700. Минг йиллар мероси. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2002.
68. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1997.
69. Эркаев А. Қашқадарё истиқбол сари одимлар. Тошкент, "Маънавият" 2006.
70. Эркаев А. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида. (Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) / - Тошкент.: Маънавият, 2007.
71. Экономический вестник Узбекистана. Аналитический журнал. "OZIA" - "ЭВУ" Август / 2008.
72. Ўзбекистон Бадиий Академияси, Мустақиллик даври ўзбек меъморчилиги ва монументал ҳайкалтарошлик санъати. Тошкент, 2011.

73. Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистоннинг Архитектура мероси. Тошкент, 1960.
74. Qodirova T.F. O`zbekiston istiqlol yillari me'morligi. Toshkent - 2010.
75. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998.
76. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Қафғол Шоший мақбараси. 12 томлик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005.
77. Маматмусаев Т.Ш. Қирққиз қалъаси. 12 томлик. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005.
78. Маматмусаев Т.Ш. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси архитектураси // Замонавий шаҳарсозликда архитектура ёдгорликларининг ўрни / ТАҚИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2007.
79. Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек кўши архитектураси // Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2007. - №3-4.
80. Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек яратган мадрасаларнинг архитектуравий ечимлари // Архитектура-қурилиш фани ва давр / ТАҚИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 16-17.
81. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даврида боғсозлик санъати // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. –Тошкент, 2009. -№6.
82. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Темурийлар давридаги шаҳарларнинг архитектуравий-режавий тузилиши // Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2009. - №3-4.
83. Mamatmusaev T.Sh. Ta'mirlash mashg'ulotlarida kompyuterdan foydalanish // Darslik. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. – Toshkent, 2009.
84. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш (лойиҳа)” фанидан мустақил ишни бажариш бўйича услубий кўрсатма. –Тошкент, 2009.
85. Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даври меъморчилиги // Мозийдан садо. - Тошкент, 2010. - №2-3.